

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ижтимоий-иқтисодий факультет

Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси

САИДКУЛОВ НУРИДДИН АКРОМҚУЛОВИЧНИНГ

5141500 - Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари таълим

йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун

**“Миллий давлатчиликни шакллантиришда ҳуқуқий
маданиятнинг ўрни” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи Мусурманкулов Ф.

Гулистон - 2012

КИРИШ.

1-БОБ. ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА АДОЛАТЛИ
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ИЛМИЙ - НАЗАРИЙ АСОСИ.

1.1. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг назарияси ва
ривожланиши ҳуқуқий маданиятнинг илмий-назарий асослари.

1.2. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятнинг асосий тамоиллари.

1.3. Ахлоқий ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг узвий боғлиқлиги.

2-БОБ. МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ.

2.1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури
давлат ҳуқуқий сиёсатининг асосидир.

2.2. Ёшларда ҳуқуқий маданиятни янада оширишда оила ва
жамоатчиликнинг роли

2.3. Жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш шароитида
жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини янада оширишдаги муаммоли
томонлари.

ХУЛОСА.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

К И Р И Ш

Фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш,
балки уларга ўзини амалда намоён этиш учун
майдонни кенгайтириш керак¹

И.А.Каримов

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш, адолатли фуқаролик жамияти куриш даврида миллий уйғониш, миллий тикланиш, демократик тамоилларнинг қарор топиши фуқаролар онгида ва маданиятида тубдан ўзгаришларни талаб этади. Юксак ҳуқуқий маданият жамият тараққиётининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, демократик ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришнинг илк ва асосий шартларидан бири жамият аъзоларида зарур даражадаги ҳуқуқий онгини ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдир. Жамият иқтисодий, сиёсий ҳаётининг туб ислохот этилиши ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун шарт-шароитларни яратиб бермоқда, инсонларни ҳақ-ҳуқуқларини кафолатламоқда. Президентимиз И.А.Каримов ҳуқуқий маданият мавзусига тўхталар экан шундай дейдилар: “... ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши лозим. Бунинг учун аввало мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ҳуқуқий онгини ошириш лозим”².

Битирув малакавий ишининг долзарблиги ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг қабул қилиниши ҳам бу масалани қай даражада долзарб эканлигини кўрсатади. Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб этмоқда. Миллий дастурда ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, мазмуни, таркибий тузилиши ва намоён бўлишининг фалсафий, ахлоқий, ижтимоий, иқтисодий, руҳий ва юридик муаммоларини тадқиқ қилиш уни шакллантириш ва янада юксалтириш усулларини

1 И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2007 йил 8 декабр.

2 И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интиломда.-Т:Ўзбекистон.1999 й.31-с

аниқлашга илмий ишланишларни устивор йўналиши деб қаралмоғи лозимлиги таъкидланган. Жамиятда етилган ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари шуни кўрсатмоқдаки, юридик соҳа олимлари бу муаммоларни ечишга катта эътибор беришлари лозим. Айниқса, ёшларда ҳуқуқий онгни ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга катта эътибор бериш керак. Чунки, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 40%ни 18 ёшгача бўлган, 64%ни 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ёшларда ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга асосланган тинчлик маданиятини шакллантириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки, ҳар қандай маданиятнинг негизида тинчликка етакловчи мақсад ётади, ҳуқуқий маданияти юксак ахлоқли ўз ғояларига эга шахсни унча-мунча нарса, ғоялар, ваъдалар ёки ва ҳақозолар билан алдаб ўз йўлига солиб бўлмайди. Бу ҳуқуқий маданият ва билимнинг натижаси албатта;

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, келажак ёшларники, шундай экан инсон ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбурияти, иймон-этикод туйғуларини, авваламбор, ёш авлоднинг ўзи мукамал ўзлаштирмоғи, сўнгра уни бошқаларнинг билимига сингдирмоғи, гўзал ҳулқи, феъл атвори, фазилатлари билан ўрнатиб бўлмоғи керак.

Битирув малакавий иши жамиятнинг ҳуқуқий маданияти муаммолари янги шароитдан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилган, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини назарий асослари бутун жамиятимиз ва унинг айрим ижтимоий гуруҳларининг ҳар ҳил томонларини таҳлил қилишда ишлатилиши мумкин, назарий-услубий хулосалари тарбиявий жараёнлар билан шуғилланувчи бошқарув тизимида, оилада, жамоат ташкилотларида, ўқув юртларида ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни, замон талабига мос янгича маънавий – маърифий, ҳуқуқий, сиёсий ва ахлоқий хислатларни мужассамлаштирган комил инсонларни тарбиялаш жараёнида қўлланиши мумкин. Бу унинг назарий ва амалий аҳамиятини ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг объектини биз ўрганаётган ижтимоий муносабат ташкил этади, яъни жамиятнинг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий маданият тушунчаси, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатда демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда модернизация ва ислоҳ этиш қайси соҳаларни қамраб олганлиги, жамиятнинг ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга асосланган тинчлик маданияти тушунчаси, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий, ахлоқий, сиёсий маданиятнинг узвий алоқадорлиги, жамиятнинг ахлоқий, ҳуқуқий маданият самардорлиги ташкил этади. Унинг предметини: биз ўрганаётган ижтимоий муносабатга таъсир этиш механизми, ўрганиш услублари, тизими, шакллари ва мақсади ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари: биз ўрганаётган ижтимоий муносабат ташкил этади, яъни жамиятнинг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий маданият тушунчаси, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатда демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда модернизация ва ислоҳ этиш қайси соҳаларни қамраб олганлиги, жамиятнинг ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга асосланган тинчлик маданияти тушунчаси, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий, ахлоқий, сиёсий маданиятнинг узвий алоқадорлиги, жамиятнинг ахлоқий, ҳуқуқий маданият самардорлиги ташкил этади. Республикамизда демократик фуқаролик жамияти ўзига хос ва ўзига мос истиқлол йўли жамият ҳаётининг барча соҳаларини ўзаро мутаносибликда, уйғун ва тадрижий асосларда узлуксиз ривожлантиришни тақазо этади. Бу тизимда фуқароларнинг, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ёшлар ҳуқуқий маданияти муаммоси улкан ижтимоий, сиёсий аҳамиятга эгадир. Айниқса, фуқароларимизни ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бу борада ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Олдимизга қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги муаммоларни ҳал этиш зарур деб ҳисоблаймиз;

- Биз барпо этмоқчи бўлган демократик жамиятимизда маънавий янгилаш, демократик ўзгаришлар шароитида фуқароларда, айниқса ёшларда юқори ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш ҳуқуқий онгининг зарурлигини очиқ бериш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг қабул қилиниши ҳам бу масалани қай даражада долзарб эканлигини кўрсатади;

- Демократик жамиятнинг асосларидан бири ҳуқуқий маданияти тушунчасининг моҳиятини ва ўзига хос томонларини аниқлаш;

- умуминсониятнинг ҳуқуқий маданиятга ёндашишининг ўзига хослигини аниқлаш ва унда тинчлик маданиятининг тутган ўрнини кўрсатиш;

- фуқароларда ҳуқуқий маданиятнинг сиёсий ва ахлоқий маданият билан боғлиқлигини назарий жиҳатдан асослаб бериш;

- ҳуқуқий тарбияга комплекс ёндашишнинг моҳиятини кўриб чиқиш, унинг ўзига хос томонларини аниқлаш; Ўзбекистоннинг ҳозирги даври шароитларига жавоб берувчи, бу муносабатларни ривожлантиришга қаратилган аниқ амалий тавсияларини ишлаб чиқиш;

- жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг амалий ва услубий тавсияларини ишлаб чиқиш.

Битирув малаквий ишининг назарий-услубий асосини: демократик жамият ривожланишининг умумий қонуниятлари, ворисийлик, тарихийлик, мантиқийлик ҳамда тизимийлик, демократик принциплари ташкил этади. Олдига қуйилган вазифаларни таҳлил қилиш учун масалага комплекс равишда ёндашилганлиги сабабли, илмий билишнинг қуйидаги махсус услубларидан фойдаланилади: муаммоли-таҳлил, тарихийлик, қиёсий-ҳуқуқий, тизимийлик, мантиқийлик ва бошқалар.

Битирув малакавий ишининг илмий ўрганилганлик даражаси: Демократик жамиятнинг пойдеворларидан ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий саводхонлик муаммоларини ўрганиш масаласи долзарб илмий муаммолардан ҳисобланиб келинган. Бу муаммо кўп олимларни эътиборини ўзига жалб этган. Илк тадқиқотлар ўтган асрнинг 60-70 йилларида пайдо бўла бошлади. Онг бу –ҳуқуқий англаш демакдир. Ҳозирги кунда давлат ва ҳуқуқ назариясида мустақил илмий йўналиши сифатида ҳуқуқий маданият назариясини юксалтиришда фаол ишлар олиб борилмоқда. Бу назарияни ривожлантиришда фундаментал умуназарий ишлар асосан ҳуқуқни, ҳуқуқий онгни ҳаётимизнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий муаммоларига бағишланган ишлар катта таъсир кўрсатмоқда. Кўпчилик ишларда ҳуқуқий маданият мустақил таҳлил қилиниши мумкин бўлган предмет сифатида эмас, балки ҳуқуқий назария ва амалиётнинг муаммолари билан биргаликда ўрганилган. Шунингдек, мутахассисликка оид ҳуқуқий маданият муаммолари билан шуғилланиш ҳам охириги йилларда анча ривожланди, асосан ички ишлар ходимларининг ҳуқуқий маданияти кенг ўрганила бошланди. Буларга У.Тожихонов, А.Ф.Гранин, В.В.Лазерев ва бошқаларнинг ишларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Мустақиллик эълон қилингандан кейин Республикамизда ҳам миллий маданият, қонунга итоаткорлик муоммолари юридик фанимиз олдида долзарб вазифаларни кўйди. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов асарларида илмий–назарий жихатдан асослаб берилган. Бу муаммолар устида иш юритган ҳуқуқшунос олимларимизнинг ишлари диққатга сазовордир.

Битирув малакавий ишининг тузулиши. Кириш, асосий қисм, хулоса ва фойданилган адабиётлардан ташкил топган. Кириш – мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти, объект, предмети, мақсад ва вазифаси, назарий – услубий асоси. Илмий ўрганилганлик даражасидан ташкил топган. Асосий қисм - 2 боб ва 6 та режадан ташкил топган.

1-БОБ. ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ИЛМИЙ - НАЗАРИЙ АСОСИ.

1.1. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг назарияси ва ривожланиши ҳуқуқий маданиятнинг илмий-назарий асослари.

«Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқлар маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат аича узоқ муддатли жараёнدير».

Ислом Каримов.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти бир томондан мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши самараси билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мустақиллик туфайли Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг устувор йўналишини демократик жамият қуриш билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Демократик жамият қуриш мақсадлари эса кўп қиррали жараён бўлиб, кўпгина муаммоларни ўз ичига олади. Бунда асосан икки муҳим жиҳат: демократик жамият қуришда дунё мамлакатлари эришган ютуқлар, умумэътироф этилган тамойиллар, иккинчидан, ҳар бир мамлакат ёки халқнинг ўзига хос, миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси ҳам мустақиллик туфайли демократик жамият қуришни асосий мақсад қилиб белгилаб олди; миллий-маънавий меросимизга, миллий қадриятларимизга таянган ҳолда ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлади, ҳамда фуқаролик жамияти қурилиши билан боғлиқ вазифаларни аниқлаб олди. Ўзинг маънавий қадриятларига, меросига таянмаган, уни ҳисобга олиб умумбашарий қадриятлар, тамойиллар билан уйғунлаштира олмаган жамиятни ҳақиқий демократик жамият деб бўлмайди..

Ўзбекистонда демократик жамият қурилишининг назарий асослари, у тўғрисидаги қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши билан танишиш

имкониятига эга бўлсалар, айти пайтда Ўзбекистон жамияти тўғрисида, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётини эркинлаштириш, демократиялашиши билан боғлиқ хусусиятлар, йўналишлар ҳамда унга эришиш механизмлари тўғрисидаги яхлит тасаввурга ҳам эга бўладилар. Бу-Ўзбекистоннинг тутган йўли ва йўналишларини билишга, ҳамда бошқа давлатлар, мамлакатлардан фарқли жиҳатларини кўришга имконият беради.

Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши билан боғлиқ ўзгаришларга, ютуқ ва муаммоларга миллий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятларини эътироф этган ҳолдагина тўғри баҳо бериш мумкин. Бунга ҳеч қачон бошқа бир мамлакатдаги демократик жамият қурилиши тажрибасидан келиб чиқиб, турли баҳо бериб бўлмайди. Бундай ёндашув холис эмас. Чунки, демократик жамиятни бирон-бир мамлакатга қисман ягона андоза асосида кўриб ёки бошқа халқларга уни кўчириб ўрнатиб бўлмайди. Ҳар бир халқ демократияни ўзининг миллий-маданий мероси, сиёсий менталитети, кадриятлари асосида қуради ҳамда демократиянинг умумбашарий маъно ва мазмунини бойитишга ҳисса қўшади. Бу билан боғлиқ қонуниятларни ҳисобга олиш, уни ўрганиш Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохатлар демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини пухта эгаллашга ёрдам беради. Мамлакатимизда демократиянинг қарор топиб бориши, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг нуфузли ўрнига эга бўлишига, ёшларда демократик онг ва тафаккурни ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, миллий-маънавий меросни қадрлаш, ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Мамлакатда эркин, демократик фуқаролик жамиятини қуриш назарияси ҳамда амалиёти билан чуқурроқ таништиради.

Бугунги кунга келиб дунёнинг 160 дан ортиқ давлатларида демократик тузумлар умумбашарий ва миллий кадрият сифатида қарор топгани эътироф этилмоқда. Айнан ҳозирги даврга келиб, демократия инсоният ҳаёт тарзининг энг мақбул ривожланиш йўли эканини деярли барча эътироф

этаётганлиги ва унинг жаҳоний кўлам касб этаётганлиги демократияни фан сифатида ўрганишни тақозо этаётган сабаблардан биридир.

Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ўрганиш зарурати ҳам шу қонуният билан боғлиқдир. Ҳар бир мустақил мамлакат ўзининг тараққиёт йўлини билишга, унинг қонуниятларини аниқлаб олишга алоҳида эҳтиёж сезади. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги пайтгача ижтимоий-сиёсий тизимда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга бевосита таалуқли бўлган масалаларни миллий жиҳатдан аниқ бир воқеалик сифатида, яхлитлигича вужудга келмаган. Фикримизча, Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти айнан шу жараёни тўлиқ қамраб олиш имкониятига эга. Негаки, бу энг аввало жаҳон цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланиб, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, адолатли демократик давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этишнинг нафақат назарий масалаларини, балки унинг амалий жиҳатларини яхлит тарзда ўрганади. Яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, Шарқ ва Ғарб цивилизациялари туташган маконда тарихда биринчи бор умумэътироф этилган демократия тамойиллари миллий қадриятлар билан тўлдирилмоқда. Жамиятимиздаги бу жараёни атрофимизда рўй бераётган ижтимоий ҳодисалар, воқеалар ва улар ўртасидаги ўзаро боғланишларни аниқ воқеалигимиз билан чамбарчас ўрганиш, таҳлил этиш зарур.

Маълумки, ўтган XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги дунё харитасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлганлиги билан характерланади. Улар ҳозирги тил билан айтганда, социалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақилигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйди. Ана шундай мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган давлатлар турли минтақаларда жойлашган бўлиб, улар Марказий Европанинг (5 та), Болтиқбўйи давлатларининг (3 та), Болгария ва Руминия, Ғарбий-Шарқий

Европа мамлакатларининг (5 та), мустақил ҳамжамиятидаги давлатларнинг ғарбий қисмидан (4 та), Кавказорти давлатларидан (3 та) Марказий Осиё давлатларидан (5 та)ни ўз ичига олади. Ана шу мустақил тараққиёт йўлини танлаган ва бошқа мамлакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилаётган, тенглар орасида тенг бўлишга, жаҳон майдонида ўзига хос нуфузли ўринга эга бўлишга ҳаракат қилаётган давлатлардан бири Ўзбекистон Республикасидир.

Ўша ерда мустақиллик Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий даврни бошлаб берди. Бу даврнинг маъно ва моҳияти Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг «Ўзбек модели» билан узвий боғлиқ. Мамлакатимизда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор берилди бошланди. Демократик тараққиёт йўлидан собит қадам билан ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкинлигини билиш алоҳида аҳамият касб этади. «Социалистик» деган умумий номга эга бўлган тоталитар тузум емирилгандан кейин дунёнинг қутбларга бўлиниши барҳам топди. Лекин, дунёдаги ижтимоий демократик асосларни қарор топтирмасдан ва мустаҳкамламасдан янги мустақил давлатларнинг барқарор ривожланишига эришиб бўлмаслигини кўрсатиб турибди.

Мустақиллик қўлга киритилмаганида, Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини ўзи танлай олмас эди. Мустақилликнинг қўлга киритилиши Ўзбекистон олдида масъулиятли вазифани қўйди. Шунда Ўзбекистон қандай давлат куради, деган саволга дунё жамоатчилиги ҳам алоҳида эътибор билан қаради. Ўзбекистоннинг истиқлоли ва инсонларнинг тақдири ҳам, уларнинг қандай ҳаёт тарзига эга бўлиши, миллий-маънавий меросга муносабат, умум-башарий демократик принцип ва тамоилларнинг уйғунлигини таъминлаш каби жиҳатлар давлатчилик қурлишининг қандай асосда амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ эди. Мустақиллик, Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий даврни бошлаб берди. Ўз мустақиллигини, эркини қўлга киритган

хар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон ҳам ўзининг миллий давлатчилиқ негизларига хос бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Мамлакатнинг олдида турган мақсадни таъкидлар экан, И.А.Каримов шундай дейди: «Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини; инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак». Бу ерда гап у ёки бу мамлакатга хос бўлган демократия кўринишидан андоза олиш тўғрисида кетмаётганлигини ҳисобга олиш муҳим. Асосий мақсад-Ўзбекистонда ўзига хос ва мос бўлган демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш асосида демократик тараққиёт йўлида ривожланаётган бошқа жамиятлардан фарқли жиҳатларни ҳамда умумий томонларини аниқлашга қаратилган.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти ўз олдида бир неча вазифаларни қўйган. Булар кўпроқ мамлакатда демократик фуқаролик жамияти қуришнинг ўзига хос ва умумэътироф этилган қонунларини билиш, назарий хулосалар ва умумлашмалар чиқаришдан иборатдир. Хусусан, фуқароларда демократик жамият талабларига жавоб берадиган дунёқараш, фикрлар хилма-хиллиги, эркинликни қадрлаш, инсон қадр-қиммати, шаъни ва ор-номусини ҳурмат қилиш билан боғлиқ қадриятларни шакллантириш асосий вазифалардандир. Бу вазифалар фуқароларимизни мамлакатда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, демократик қадриятларни ҳурмат қилиш орқали уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этишда яққол намоён бўлади. Демак, жамиятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларни таҳлил этиш, уларни мантиқий асослаш, ёшлар онгига дунёвий давлат тамоилларини сингдириш каби вазифалар уни ўқитилишини тақозо этмоқда

Ўзбекистонда демократик жамият курилиши назарияси ва амалиёти бир томондан, демократик жамият тўғрисидаги мавжуд қарашларга, назарияларга ҳамда мамлакатимизнинг давлатчилиги тарихий мероси билан боғлиқ мутафаккирларнинг ғояларини ҳисобга олса, иккинчидан, мустақиллик йилларида демократик жамият курилиши тўғрисидаги муҳим концептуал ғоялар ва қарашларнинг ишлаб чиқилиши, унда Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш йўли хусусиятларига таянади. Учинчидан, бу соҳада мустақиллик йилларида эришилаётган зафарларни демократик жамият куриш тажрибаси ютуқларига таяниб ўрганади. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тугган ўрни, ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш қонуниятларини билиш ҳам муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда демократик жамият курилиши ижтимоий ҳаётимизнинг бирон-бир соҳаси билан чегараланиб қолмайди, балки унинг барча жабҳаларидаги ўзгаришларнинг негизларини ўз ичига олади ва ўрганади. Бунда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти демократиялашувининг ва яшаш ҳаётининг эркинлаштирилиши давлат сувренитети, халқ ҳокимиятчилиги, унинг манбаи. Фуқаро-жамият-давлат муносабатлари асосий негизи ҳисобланади. Мамлакатда Конституция ва қонунининг улуғворлиги, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда бурчлари билан боғлиқ умумий қоидалар ва демократик тамойиллар, жамият ва шахс муносабатлар, жамоат бирлашмалари, оила, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши билан боғлиқ соҳалар демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти соҳалари ҳисобланади. «Демократия» юнонча сўз бўлиб, таржимада «халқ ҳокимияти» (демос-халқ, кротос-ҳокимият) маъносини билдиради. Демократик деб олий ҳокимият бевосита халққа тегишли бўлган ва халқнинг хоҳиш-иродаси билан амалга ошадиган давлат ва жамиятга айтилади. Албатта «демократия» атамасининг қандай шарҳланиши эмас, балки унинг қанчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашга қобиллиги муҳимдир. «Бинобарин,- деб таъкидлайди И.А.Каримов,-биз ўз истагимиздаги демократияга қандай

мазмун бахш этмайлик, агар у ҳаётимизнинг ҳар бир сониясига сингиб кетмаса, турмушимизнинг ажралмас қисмига айланмаса, ҳамма шиорлар ва таърифлар ё мазмунсиз бақир-чақир ёки ҳеч нарсани англамайдиган сўз ўйини бўлиб қолаверади”. Демократиянинг вазифаси-фуқароларнинг ҳуқуқлари тан олинадиган ва ҳимоя қилинадиган, уларнинг бурчларига риоя этиладиган ва бажариладиган жамиятни қуришдан иборат. Лекин, ҳозиргача ҳеч қайси давлат бунга мукамал эришмаган, фақат унга ҳаракат қилиб келмоқда. Демократик бошқарув жараёнида сиёсий ҳаётда иштирок этиш нафақат фуқароларнинг муҳим сиёсий фаоллик белгиси бўлибгина қолмасдан, бу уларнинг ҳуқуқлари, балки бурчлари эканлигани ҳам англаш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатларни ҳам ҳисобга олиш муҳимдир.

Демак, биринчидан, демократик жамият давлатчилик соҳасида ҳар бир мамлакат ва халқнинг демократияда умумэътироф этилган қадриятлари ва тамоиллари инобатга олинадиган, миллий-маданий мероси хусусиятларига таяниладиган, фуқароларнинг ҳуқуқлари тан олинадиган ва ҳимоя қилинадиган бошқарувда фуқаролар фаол иштирок этадиган жамиятдир.

Иккинчидан, умумий тарзда демократия деганда, ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчилик ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилишдир.

Учинчидан, уни батафсил таҳлил қилганда эса демократия халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашлари ҳам, ҳар бир шахснинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлар-у шу йўсиндаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли ҳам эканлиги эътиқод қўйиш бизнинг аъламимиз эмас. Зеро, бизнинг йўқотадиган нарсамиз-мустаҳкам маънавий томирларимиз, не-не суронли асрлар тўфонларидан бизни миллат сифатида эсон-омон олиб ўтган ўлмас қадриятларимиз бор. Демократияни эса биз мана шу кўҳна тарихга эга маънавиятимиз дарахтига пайванд қилиш имконияти борлиги учун ҳам танлаганмиз. Шу боис, демократия даражасини миллий хусусиятлардан чекиниш билан ўлчаётган айрим кишиларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди.

Ўзларини диний ақидапарастлик ва терроризмга қарши курашаётган, дунёвий демократик тузум тарафдорлари деб кўрсатаётган баъзи халқаро ташкилотлар ва жамғармалар, хорижий ташкилотларнинг баъзи вакиллари халқнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, ўй фикрлари, одоб-ахлоқи, орномусини ҳисобга олмай, бу қадриятларни Ғарб демократиясига қарши қўйиб, ўзларини гўёки инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси қилиб кўрсатмоқчи бўлмоқдалар. Бундай ҳолатни айрим миллатлар ва халқларнинг демократияга бўлган ишончини сўндиришга интилиш, дейиш мумкин.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Андижон шаҳрида содир бўлган воқеалар муносабати билан 2005 йил 14 май куни Тошкентда мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун берган матбуот анжуманида шундай деб таъкидлади: Айрим давлатларнинг Марказий Осиё минтақасига демократияни мажбуран ўрнатишга уринишдан учинчи кучдан фойдаланиб қолиши мумкин. Бу куч-ислом динини ниқоб қилиб олган ёвуз ниятли радикал оқимлардир. Аҳолисининг қарийб 80 фоизи мусулмонлардан иборат минтақамизда юқоридаги каби вазият турли диний ақидапарастлар ва экстремистик кучлар учун кўл келиши мумкин».

«Инсон ҳуқуқлари муҳофазаси билан шуғулланувчи баъзи бир хорижий ташкилотлар ва демократия масаласида анча илгарилаб кетган айрим давлатлар Ўзбекистонда «Ҳизбут-тахрир» мисолида ўз мақсадларига тинч йўл билан эришишни кўзлаган бегуноҳ мўъмин-мусулмонлар таъқиб этилмоқда, деб ҳамон «кўз ёши тўкмоқда». Андижонда рўй берган фожеали воқеалар эса улар ҳимоя қилаётган ўша «қўй оғзидан чўп олмаган» кимсаларнинг ҳақиқий, айтиш мумкинки, ваҳшиёна башарасини фош этди.»

Ўзини инсон ҳуқуқларининг холис ҳимоячиси деб таништирадиган хорижий ташкилотлардан айримларининг «Маҳалла давлатнинг тазйиқ кўрсатувчи идорасига айланыпти» деган фикрлари қанчалик асосли? Эмишки, эр-хотин ўртасида тушунмовчилик юзага келиб, жанжалли масалалар

кўтарилганида, уларнинг судга эмас, маҳаллага мржаат этишлари инсон ҳуқуқларининг бузилиши экан. Маълумки, бизда маҳалла институти кеча пайдо бўлган эмас. Афсуски, шўро замонида бу тузилма жамият бошқарувидан мутлақо ажратиб қолган эди. Маҳаллани майда-чуйда масалалар учун масалан, ҳар қандай шўро идораси талаб қилиши мумкин бўлган маълумотнома (справка) ёзиб бериш пунктига айлантирдилар. Бунинг натижаси эса тарихимизда умуман учрамаган тирик етимларнинг кўпайиши, кишилар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг кўтарилиши, «сен менга тегма, мен сенга тегмайман», деган қарашнинг тарқалиши билан ўзини намоён этди.

Бугун биз миллий, демократик турмуш тарзимизга тўғри келмайдиган мана шу иллатни бартараф этиш мақсадида эканмиз, бу эзгу ниятимиздан ҳам кир қидирмасдан, уни ўз манфаатига мос, тор қарашларидан келиб чиқиб баҳолашга уринаётган «инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари»ни тушуна олмаймиз. Ахир қайсидир Ғарб давлати бир жинсли никоҳларга кенг йўл очиб беришни ўзига эп кўрасатган бўлса, бошқа бир «маданиятли миллат» вакиллари эса демократияни ота билан болани келин билан қайнонанинг судлашиб, тубан нафсини қондиришдан иборат деб тушунаётган бўлса, биз уларнинг бу ишига аралашмаётганимиз бизнинг айна бу борада умуман фикрга эга эмаслигимизни англамайди. Нега энди инсонпарварлик руҳи уфуриб турган ўз миллий қадриятларимизни қайта тиклаш йўлида қилаётган ҳаракатларимиз бошқаларнинг уйқусини қочириши керак? Ахир, ўз фикримизни бировга зўрлаб тикиштириш ниятидан узоқлигимиз ҳам бизнинг демократияни теран тушунишимизнинг белгисику.

Оилавий можароларни ҳал қилишда маҳалла кўмагига таянишни «инсон ҳуқуқларининг бузилиши» дея талқин этаётганлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64 ва 66-моддаларини қандай танишар экан? Эслатиб ўтамиз, бу моддаларнинг бири «ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур»лигини қатъий белгиласа, яна бири «вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида

ғамхўрлик қилишга мажбур»лигини уқтиради. Шунинг учун, ҳар бир халқ, мамлакат демократияни ўзига хос ва мос тарзда амалга оширади. Агар шундай бўлмаса, у тараққиётга ҳизмат қилмайди. Демократиянинг мажбуран киритилган «совет» кўриниши бунга аниқ мисолдир. Бу қонуниятни эътироф этмаслик демократик ривожланиш қонунига зид ҳодиса бўлиб, зарарли ижтимоий-сисёсий, маънавий оқибатларни келтириб чиқаради.

«Ўзбекистоннинг янги мустақил давлатчилиги мураккаб шароитларда қарор топмоқда. Ҳозир биз бу йиллар мобайнида миллий давлатчиликка пойдевор қуйилганлигини ишонч билан айта оламиз. Эски маъмурий буйруқбозлик тизими ва унга мос бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари барҳам топди. Сиёсий ва иқтисодий бошқариш ҳамда тартибга солишнинг кўпгана тузилмалари ва органлари тугатилди. Улар маъмурий буйруқбозлик тизимининг, марказлаштирилган режалаш тақсимлаш иқтисодиётининг устунлари эди. Улар демократик қадриятлар ва тамойилларга асосланган янги давлатчиликнинг қарор топиши ва эркин бозор иқтисодиётининг пойдеворларини яратиш йўлида асосий тўсиқ бўлиб келди.

1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам бўлди. Ўзининг асосий қонунида давлат тузуми принципларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг, жамиятни ривожлантиришнинг иқтисодий негизлари ва стратегик йўналишларини мустахкамлаб қўймаган давлат чинакам суверен давлат бўла олмайди. Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлақо фарқ қиладиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципига асосланган тизими яратилди. Уларнинг ҳар бирининг фаолиятида ҳуқуқий асосда тоталитаризм ва авторитаризм хуружларини истисно этадиган чинакам демократик меъёрлар ва йўл-йўриқлар қарор топтирилди.

Ташкил этилган ижро этувчи ҳокимият органлари тизими олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Улар режалаш тақсимлаш вазифаларндан холи бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ролини бажармоқда. Кўплаб вазифалар ўрнига бозор шароитларига мос бўлган хўжалик бирлашмалари, уюшмалари, концернлар, корпорациялар, холдинг компаниялар ташкил этилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг янги тизими вужудга келтирилди. Унинг асосини ҳокимлик институти ташкил этади. Унда жойлардаги ижро этувчи ҳокимият билан вакиллик ҳокимияти раҳбарининг вазифалари бирлаштирилган.

Маҳалла одамлар ўртасидаги муносабатларда яхши кўшничиликни, ҳурмат ва инсонпарварликни тарбиялашда муҳим роль ўйнади. У фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилади, аҳолининг муҳтож қатламларига аниқ ёрдам кўрсатади. Гап шундаки, маҳалла иқтисодий ва демократик ўзгаришларни рўёбга чиқаришда амалий мадад бўлмоғи зарур. Конституцияга мувофиқ, янги демократик сайлов тизими асосида Ўзбекистон тарихида илк бор Республика парламенти-Олий Мажлис ҳамда вакиллик ҳокимиятнинг маҳаллий органларига кўппартиялилик асосида эркин, муқобил сайлов ўтказилди. Натижада давлат ҳокимиятининг Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидан иборат қонун чиқарувчи тармоғи вужудга келтирилди.

Жамиятни демократик ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва қоидаларига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, миллий хавфсизлик органларининг кўп жиҳатдан янги бўлган тизими барпо этилди. Миллий армия-Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ташкил қилиниши миллий давлатчиликни қарор топтириш йўлидаги ғоят муҳим ютуқ бўлди. Ташқи алоқаларни таъминлайдиган институционал тузилмалар: Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банк ҳамда бошқа ихтисослаштирилган муассасаларнинг бутун бошқариш тармоғи вужудга келтирилди.

Ўзбекистон тарихида илк марта жорий этилган Республика Президентлик институти янги Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллади. У сиёсий тизимнинг ўзаги бўлиб қолди.

Давлат ҳокимиятининг ташкил этилишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Бу ҳокимият жамиятдаги барқарорликнинг ва Ўзбекистонни ислохотлар йўлидан муваффақиятли олға боришининг калити бўлгани ҳолда, янги ўзбек давлатчилиги биносининг асосий таянчига айланиб қолди.

Ўзбекистон мустақил, суверен давлат сифатида энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди. Ҳозирга вақтда демократик сиёсий тизимнинг энг муҳим субъекти бўлмиш давлатчиликни ислоҳ қилишда янги вазифалар кўндаланг турибди. Бу, авваламбор, ҳозирги босқичда сиёсий институтларнинг ва нодавлат ижтимоий уюшмаларнинг хилма-хиллиги ҳамда уларнинг роли мустаҳкамланиши, шунингдек, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш асосида жамият ҳаётини янада демократлаштириш, модернизациялаш, янгилаш вазифалари муҳим ва долзарб бўлиб қолганлига билан изоҳланади.

Янги шароитда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ғоят муҳим вазифаси сиёсий партиялар, нодавлат ижтимоий, фуқаролик жамиятининг эндигина пайдо бўлиб келаётган хилма-хил институтлари билан ишлаш ва ҳамкорлик қилишнинг янгидан-янги шакллари излаб топишдан иборатдир.

-Айни пайтда,-деб таъкидлайди Президент И.Каримов.-Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади-бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустақкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир. Мамлакатимизни ривожлантириш стратегияси ҳақида гапирганда шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, “бошқариладиган иқтисод” ёки “бошқарадиган демократия” деб аталмиш моделлар бизга мутлақо тўғри келмайди. Демократия тамойиллари-

ни қарор топтириш узоқ ва мураккаб жараёндир. Айниқса, бу узоқ вақт тоталитар тузум асоратида яшаган ва ҳалқ унинг иллатларидан буткул қутула олмаган бизнинг жамиятимизда янада мураккаброқ кечиши қонуний ҳолдир. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда икки муҳим жиҳатга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда.

Унинг биринчиси, демократик жамият қуришнинг дунёда эътироф этилган тамоилларини тан олиш;

Иккинчиси, демократиянинг миллий-маданий мерос билан боғлиқ миллий хусусиятларига таянишдан иборат. Бу икки йўналиш бир-бири билан узвий боғлиқ, ҳақиқий демократик жамият қуришни уларсиз тасаввур этиб бўлмайди ҳам.

Жамият сиёсий ҳаёти соҳасини демократлаштириш борасида қуйидаги муҳим масалаларга алоҳида эътибор берилмоғи лозим:

Биринчи. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш. Бу жараёнда, аввало, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариши учун тегишли шарт-шароит яратиш.

Иккинчи. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳитининг қарор топиши зарурлиги, ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши кераклиги. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши.

Учинчи. Нодавлат тузилмалар, ҳукуматга қаршли бўлмаган ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Тўртинчи. Жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш.

- Бешинчи. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамларимиз онгида

демократик кадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш. Ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга лоақайд муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун олиб бориш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор. Ўзбекистонда дунёвий давлат қуриш йўли танланишининг ҳам ўзига хос сабаблари мавжуд.

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаёти тарихида адолатли жамият қуриш асосий концепциялардан биридир. Қарийб 3000 йиллик тарихга эга бўлган бугунги Ўзбекистоннинг кўринишлари демократик, адолатли жамият тамойилларининг негизлари ўзига хос жиҳатларда, қарашларда намоён бўлади. Маълумки, Ўзбекистон Ўрта Осиёда исломга эътиқод қилувчи энг қадимий заминлардан бўлиши билан бирга, мусулмончилик илмининг ислом оламида ҳамма тан олган анъаналарига ҳам эга. Ислом кадриятлари бир неча асрлар давомида ўзбек халқининг маънавияти билан уйғунлашиб кетган, ҳозир ҳам шундай. Президент И.А.Каримов мамлакатни дунёвий асосда ривожлантириш, дунёвий давлат қуриш йўлидан боришига алоҳида аҳамият берди. Бу демократик давлат қурилишида муҳим ўрин тутди. Бу масалада И.Каримов шундай дейди: «Биз бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий кадриятлардан тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиб учун дин байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимиз хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз».

”Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”. Ҳозирги замонда «миллий демократик давлат», «миллий давлатчилик ва демократик жамият» тушунчалари кўпроқ ишлатилмоқда.

Юртбошимиз демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлларини илмий асослаб берар экан, асосий масалаларга чуқур эътибор бериш лозимлигини қайта-қайта таъкидлайди. Ўзбекистон сиёсий соҳада демократик, адолатли фуқаролик жамият қуришда қўйидагиларни амалга ошириш лозим деб биламиз. Барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устуворлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва маъсулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди.

Умуман олганда, демократия даражаси халқимиз қонун ва қарорлар қабул қилинишидан хабардорлиги, давлатни бевосита ёки билвосита бошқаришдаги иштироки билан баҳоланади. Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси - бу жамиятда қонун устуворлиги принциpidир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, Конституцияни билиш, унинг мазмунини-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида“ Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ташкил этиш тўғрисида“ Президентимизнинг 2001 йил 4-январдаги фармойиши эълон қилинди. Мазкур фармойишга мувофиқ барча таълим муассасаларида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” курсларини ўқитишни йўлга қўйиш лозимлиги кўрсатилган.

Мустақиллик туфайли ҳуқуқий таълим-тарбия, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган масалаларни давлат сиёсати даражасига кўтарилашида Президентимизнинг

“хукуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хукуқий маданияти даражасини юксалтириш, хукуқшунос кадрларни тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида“ фармони муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у Республикада хукуқий маданиятга оид миллий дастурни қабул қилинишига замин яратди.

Ўзбекистонда ислохотларнинг хукуқий негизини яратишнинг бир қанча муҳим йўналишлари бўйича амалга ошириш зарур деб биламиз бунда, асосий вазифа ҳозирги шароитларга мос келадиган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдангина эмас, балки уларга оғишмай амал қилинишини таъминлашдан ҳам иборат бўлиши лозим. Қабул қилинган норматив хукуқий ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга тадбиқ этиш кўп жикатдан янгича хукуқий онгни, хукуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ. хукуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг бажарилиши билан белгиланиши яхши маълум. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февralида бўлган 1-сессиясидаги сўзлаган “Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг тамойиллари“ маърузасида хукуқий маданиятга тўхталиб шундай дейди: “хукуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, хукуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У одил судни ҳурмат қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Хукуқий маданият дегани-турли можороларнинг ҳал қилишда қонунга ҳилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир”. “Сир эмаски, оддий фуқаро, аввало, давлат номидан иш кўрувчи мансабдорларнинг ўзлари қонунларни қандай бажараётганликларига эътибор беради. Агар шундай бўлмаса, агар ўша органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқ ости қилса мазкур қонунларнинг ўзи обрўсизланади, янаям тўғрироғи, жамиятнинг маънавий асосларига путур етади”. Президент 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августда бўлиб ўтган

сессиясида сўзлаган нутқида фуқароларнинг онги масаласига яна бир бор тўхталиб: “Биз одамларнинг эскича психологиясини ўзлаштириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантиришимиз лозим. Шундай бўлсинки, ҳар бир киши инсон эркинликлари-айни вақтда муайян бурч, мажбурият ва маъсулият эканлигини чуқур ҳис қилиб турсин. Барча ўқув юртларининг тахсил дастурларига “Инсон ҳуқуқлари” махсус курсини киритиш, шунингдек, таълим ва тарбиянинг бутун жараёнини инсонпарварлик ғоясига бўйсундириш зарур”, деб таъкидлайди. Аҳолининг кенг қатламларига мўлжалланган “Ҳуқуқ-право-law”, “Ҳаёт ва қонун”, “Қонун ҳимоясида”, “Ижтимоий фикр”, “Инсон ва қонун”, “Қалқон”, “Қонун номи билан”, “Хўжалик ва ҳуқуқ” каби янги юридик газета ва журналлар пайдо бўлди. Меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишнинг янги усуллури тикланмоқда. Ҳар бир тарбия, жумладан ҳуқуқий тарбия асосини миллий мафкура ташкил этади. Миллий мафкура негизида ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий ва маданият шаклланади. Миллий истиқлол ғояларини ёшларимиз онгига синдиришга қаратилган ўқув, илмий-услубий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш ва янада такомиллаштириш мақсадида 2001 йил 18-январда “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида Президентимиз Фармойиши эълон қилинди. Бу миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришнинг назарий, амалий ва тарбиявий аҳамиятини яна бир бор кўрсатди. Зеро, маънавий етук инсонларгина баркамол жамияти қуриши мумкин.

1.2. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятнинг асосий тамойиллари.

Ўзбекистон ҳудудида миллий давлатчиликнинг вужудга келиши ҳуқуқий давлатга хос бўлган тамойилларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишини тақозо қилади. Мазкур тамойиллар демократик ўзгаришларнинг, инсонпарварлик ғоялари ва ижтимоий адолатни ўрнатиш, фуқароларнинг юксак даражадаги сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чинакам ҳимоялаш ва амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов асарларида чуқур асослаб берилган. Ҳақиқатдан ҳам, "Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди"³.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг 28 миллионлик нуфузи билан Марказий Осиё ҳудудининг ўзагини ташкил этади. Худди шу ҳудудда дунёнинг энг қадимий цивилизацияси пайдо бўлган. Ана шу заминда Шарқ ва Ғарб азалдан юзма-юз бўлган. Асрлар давомида Осиё билан Оврўпани боғлайдиган қарвон йўллари ҳам худди ана шу ўзбек диёри ҳудудидан ўтган. Ушбу масканлардан "Буюк Ипак йўли" ўтиб, яқин даврларгача у ўзининг бетакрор аҳамиятини сақлаб қолган ва ҳозирги кунда ҳам оламшумул мавқеини йўқотгани йўқ.

Ўзбек халқининг миллий давлатчилиги ҳам қадимий бўлиб, у мазкур тарихнинг уч минг йиллик қаърига бориб етади. "Мазкур ҳудудда қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон давлатларининг гуллаб-яшнаши жаҳон маданияти ривожига ёрқин из қолдирди"⁴. Ўзбекларнинг аجدодларига халқ қисматининг суронли, баъзан фожеали силсилаларини босиб ўтишга тўғри келган. Моддий ва маънавий салоҳиятга бой ана шу ўлкани ўзаро бўлиб олиш ва унга эгалик қилиш учун тарихда кучли давлатлар ўртасида аёвсиз

3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т., 1992. 17-6.

4. Каримов И.А. БМТнинг Бош Ассамблеяси 48-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқи. Т.: Ўзбекистон, 1993. 6-6.

курашлар, қирғинбарот жанглари бўлиб турган. "Шунга қарамай, ўзбек халқи улуғ алломаларни, мутафаккирларни, саркардаларни тарбиялаб, мислсиз маънавий бойлик яратди, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшди".⁵ Ҳақиқатан ҳам ўзбек халқи асрлар давомида ўз маънавияти ва қадриятларини сақлаб, авайлаб мағрур яшади, истиқлоли ва эрки учун меҳнат қилди.⁶ Аини замонда ана шу миллий онг ва миллий ифтихор истиқлолимизнинг ҳам бебаҳо тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур пойдеворни халқ қахрамонлари Широқ ва Тўмарис, буюк алломалар ва давлат арбоблари ал-Хоразмий ва ал-Форобий, ал-Беруний ва Абу Али ибн Сино, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва Бобур, Шайбонийхон ва Абдуллахон каби халқимизнинг юзлаб асл фарзандлари яратганлар. Бугун халқимиз имом ал-Бухорий ва ат-Термизий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд ва Сулаймон Боқирғонийнинг қутлуг номларини чуқур эҳтиром билан тилга олади. Уларнинг диний ва ҳуқуқий таълимотлари юртимизда қайтадан тикланиб, инсон шахсининг маънавий камолоти учун хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга совет империяси даврида гуноҳсиз қатағонга учраган ҳамда зўравонликлар қурбони бўлганлар ҳам мустақиллигимиз маънавиятига бебаҳо ҳисса қўшдилар. Ҳозирги кунда ўзбек ўғлонларининг бир вақтлар ноҳақ қораланган ва унутилаётган эзгу номлари тикланиб, муносиб баҳоланмоқда. Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир каби кўплаб зиёлиларнинг асарлари халқ бойлигига айланди. "...Мустақиллик, ҳуррият халқимизга ниҳоятда қимматга тушган. Ҳурриятнинг баҳоси доимо авлодлар тақдири, ҳаёти, иймони, виждони билан ўлчанади".⁷ Яқин ўтмишда совет оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий ривожланишидаги ютуқлари тўғрисида кўплаб ваъзхонликлар қилинади. Саводсизликни тугатиш, завод ва фабрикалар

5Ирмухамедов Б.А., Хасанов Б.В. Происхождение и формирование узбекского народа. Т., 1992. С.19.

6Ўзбегим. Т., 1992. 110-135 бетлар.

7Каримов И.А. Халқимизнинг оташқалб фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 75-йиллигига бағишланган йилгишида сўзланган нутқ. Тошкент, 1992. 5-6-б.

қурилиши, янги ўқув юртларининг очилганлиги, миллий кадрларни тайёрлаш, хотин-қизларни озодликка чиқариш шулар жумласига киради. Албатта, буларнинг аксарияти ҳақиқатдан ҳам бўлгани билан бироқ маданиятимизда нимаики ислом дини, урф-одатлари, халқнинг чинакам маънавий қадриятлари, анъаналари билан узвий боғланган бўлса, мазкур қадриятлардан воз кечилган эди. Бундай сиёсат туфайли "Туркистон халқи бошига тушган кулфатнинг асосий сабабларидан яна бири иқтисодийнинг жамиятни ўзаро қарама-қарши табақаларга бўлиб ташлайдиган, меҳнатни рағбатлантирувчи омилларни йўққа чиқарадиган коммунистик мафкурага бўйсундиришдан иборат эди"⁸.

1991 йилда коммунистлар салтанати қулаши ўзбек халқининг мафкуравий исканжадан халос бўлиб, тинч парламент йўли билан мустақилликка эришишига, ўзининг истиқлол йўлига чиқиб олишига қулай шароит яратди. Ўзбек халқи ютуқларининг гарови нимада, деган савол туғилиши табиий. Мазкур саволга "Тинчликда", деб жавоб бериш лозим. Аксарият кишилар жамиятдаги демократик жараёнларни ҳаракатимизнинг ягона йўналиши деб баҳолайдилар. Аслида бундай жараёнларни демократиядан эмас, балки иқтисоддан бошлаш лозим, деб мулоҳаза юритиш ҳам мумкиндир. Лекин, худди мана шу муносабатларда Ўзбекистоннинг собиқ совет республикаларига нисбатан ҳам ривожланиш йўлидаги тафовутлар кўзга ташланади.

Европа жамиятларидан фарқли ўлароқ маънавий ўзига хослигига эга бўлган жамиятимизнинг энг қулай ривожланиш йўлини танлашда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов жамият ва давлатни ислоҳ қилишининг нисбатан оғриқсиз "фалажсиз даволаш" йўлларини топа олди. Ўзбекистоннинг истиқлолга эришуви унинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти, маданий ва маънавий янгиланиши учун улкан имкониятлар яратди. Эрка эришган ҳар бир мамлакат ўз ривожланиш йўлига эга ва у янги жамият қуриш учун ўз андозасини излашга ҳаракат қилади. Ўзбекистон

8 Орифжонов Э.К. Туркистон шўролар даврида. Ушналмаган орзулар. Т., 1994. 40-6; Ўзбегим. Тошкент, 1992. 41-89-бетлар.

Республикаси давлат қурилишининг асосий тамойили мамлакатимизнинг ўз хусусиятларини, кишиларнинг анъаналари ва урф-одатларини, ҳаёт тарзини инобатга олган ҳолда ўз ҳуқуқий йўлини топа олишидир. Шу муносабат билан Президент И.А.Каримов асарларида истиқлолнинг илк давлариданок мамлакатимизнинг янги шароитларда бозор иқтисодиётига ўтишнинг мезони, ўзига хос демократик Конституцияси ишлаб чиқилди⁹. Танлаб олинган тараққиёт дастуримиз жамиятнинг объектив ривожланиш қонунларига асосланади. Истиқлол шароитида босиб ўтилган йўлнинг тўғрилиги амалиётдаги ўзгаришлар билан тасдиқланмоқда. Бу йўл Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камолатга, миллий давлатчиликка элтадиган йўлдир.

Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш жамиятимиз сиёсий-ижтимоий ривожланишининг аниқ мақсади қилиб қўйилган. Мазкур давлат ташқи сиёсатга очиқ бўлиб, маърифий ва барқарор бозор муносабатларига асослангандир. Фақат Ўзбекистонда яшайдиган замондошларимизнинг эмас, балки келажак авлоднинг ҳам тақдири биз қурмоқчи бўлган давлат билан узвий боғлиқдир. “Республика сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққиёти ҳамда миллий муносабатлар муаммоларининг бутун мазмунини ҳал этишда Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини мустаҳкамлашда унинг ҳақиқий сиёсий ўзлигини таъминлашни энг муҳим бўғин деб ҳисоблаймиз”.¹⁰

Ушбу жамият Ўзбекистон халқига муносиб ҳаётни кафолатлаши, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши, миллий қадриятлар ва маданиятни раванқ топтириши, инсон ахлоқий камолотига хизмат қилмоғи лозим. Ўзбекистон барпо этилган демократик давлатнинг янги ижтимоий тузумга ўтишда беш асосий тамойилга амал қилишини Президентимиз И.А.Каримов чуқур илмий ишлаб чиққан¹¹. Айни вақтда жорий қилинаётган беш асосий тамойил жумҳуриятимизда мустақил давлат қуришнинг дастури бўлиб узоқ

9 Орифжонов Э. Туркистон шўролар даврида. Ушалмаган орзулар. Т., 1994. 40-6; Ўзбегим. Тошкент, 1992. 41-89-бетлар.

10 Ислам Каримов, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остида". Т.: "Ўзбекистон", 2012 йил, 214-бет.

11 Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскини бузмаган. -Т.: Ўзбекистон, 1993.

йилларга мўлжалланган. Мазкур ҳуқуқий давлат қуриш ҳуқуқий тамойиллари Ўзбекистон янгилини ва тараққиётининг ўзига хослигини ифодалайди. Улар қуйидагилардан иборатдир.

Биринчи тамойил: иқтисодий ислохотларнинг сиёсатдан устунлиги ва бу жараёнда иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги. Мазкур тамойил иқтисоднинг ҳамisha сиёсатдан устун бўлиши лозимлигини кўрсатади. Чиндан ҳам иқтисодни мафкура билан боғлаб қўймаслик зарур. Маълумки, собиқ советлар тузуми давридаги иқтисод ҳаддан ташқари сиёсийлашганди. Узок йиллар давомида илмий ҳақиқатларнинг сўнги намунаси каби кўз-кўз қилинган сохта социалистик назарияларнинг қотиб қолганлига малакатимиз тафаккури тараққиётига катта путур етказиб, уни қашшоқлаштирди. Шу боис бугунги кунда мазкур тафаккур билан қуролланган барча бошқарув идоралари ходимлари амалда бозор иқтисоди шароитида ишлашга тайёр эмасликларини намоён этмоқдалар.

Иккинчи тамойил: иқтисодни башқаришда, хусусан, бозор муносабатларига ўтишда, янги жамият қуришда давлатнинг бошқариш жиловини қўлдан чиқармаслиги. "Фақат давлат, қонуний йўл билан сайланган ҳокимиятгина ислохотчи бўлса, ҳаётда ижобий ўзгаришлар юз бериши мумкин"¹². Бунинг устига, фақат қонун устуворлигига таянган давлатгина ўз таркибий тузилмалари воситасида бюрократизмни ва буйруқбозликнинг, шаклланган ночор психологиясини тугатиши, чинакам бозор муносабатларини жорий қилиши мумкин. Худди ана шу давлатгина жамият ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаши, ижтимоий парокандаликка олиб бормаيدиган оқилона, мезонли, изчил сиёсатни амалга ошириши лозим. Шундагина халқнинг ҳаётида ижобий силжишлар юз бериши, ислохотлар ва янгилиниш йўлидан боришга эришиш мумкин бўлади¹³.

12 Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993. 150-б.

13 Каранг: Правовое государство - независимость, нация, экономика, идеология, политика. Том 1. Т.: Адолат, 1994. -С. 53-60.

Мустақил ривожланиш йўлига кирган аксарият мамлакатларнинг тажрибаси давлатнинг жамиятдаги туб ўзгаришларда ташаббускор бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бир томондан, давлат мамлакат ва ундаги аҳоли манфаатларини ҳимоя қилса, иккинчи томондан эса, у кишилар ва уюшган тузилмаларни ислохотларга тайёрлайди. У гўё одамларни янгича яшашга мажбур этади ва шу билан бирга уларни рағбатлантиради ҳам.

Ёш мустақил давлат тарихидаги бундай мураккаб даврда эски тизим кулаган, лекин янги тизимнинг қурилиши ҳали тугатилмаган бир шароитда бошбошдоқлик ва парокандаликка йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ҳодисалар ҳокимият кучсиз ва лаёқатсиз бўлган ерларда содир бўлади, холос. “Мен барча иттифокдош республикаларнинг чинакам сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқий мустақилликка интилаётганини кўллаб қувватлайман. Айни вақтда мустақиллик ҳуқуқи кимларнингдир манфаатларини камситмасдан, яъни демократик жараён, халқаро норма ва қоидалар, инсон ҳуқуқлари доирасида амалга оширилиши керак, деб ҳисоблайман”¹⁴ - деб таъкидлайди И.Каримов.

Якка ҳукмронликка асосланган андозадан чинакам истиқлолга ўтиш даврида бош ислохотчилик мавқеини ҳатто ақлли ва иқтидорли академиклар ва амалиётчилар гуруҳи эмас, балки бу ишни фақат қонун билан иш кўрадиган давлатгина эгаллайди. Шу боисдан ҳам мураккаб ўтиш даврида эски жамиятнинг ўрнига янгисини қуришда давлат бошқарув жилловини ўз қўлидан чиқармаслиги даркор.

Маълумки, Марказий Осиё ҳудудида Ўзбекистон ўзининг муҳим географик ўрнига кўра алоҳида мавқега эга. Шу боис ҳам мазкур ҳудудда қонун йўли билан сайланган ҳокимиятнинг барқарорликнинг кафолати бўлиши жуда муҳимдир. Акс ҳолда, ўлкада муайян сиёсий тартибсизликлар юз бериши ҳақиқатдан йироқ эмас.

Дарҳақиқат, кўп миллатли Ўзбекистон халқи ишонадиган кучли давлат ҳокимиятигина тинчликни сақлаши, республикани раванқ йўлига чиқариши

14 Ислам Каримов, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида". Т.: "Ўзбекистон", 2012 йил, 293-бет.

лозимлигини мустақиллик шароитида кечган тўрт йиллик ҳаёт тўлиқ тасдиқлаб турибди¹⁵.

Осойишталикни, барқарорликни таъминлаш мамлакатдаги фуқаролар ва миллатларнинг муросаси давлат қурилишини ва иқтисодийни такомиллаштиришнинг муҳим омили бўлмоқда. Ана шу мураккаб вазифаларни ечиш учун юртимизда кучли ижроия ҳокимияти зарур эди. Барча қийинчиликларга қарамай, мазкур муаммолар ечилди. Бугунги кунда Ўзбекистон собиқ иттифоқчи республикалар орасида энг барқарор ривожланаётган давлат ҳисобланади¹⁶.

Учинчи тамойил: қонунга итоаткорлик-демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг зарурий шартидир. Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар мутахассислари ва экспертлари Конституциямизнинг жаҳондаги энг илғор конституциялар қаторига киришини тасдиқладилар¹⁷.

Ҳар бир ёш мустақил давлатда унинг пойдевори мустаҳкам бўлиши учун чинакам демократик қонунларнинг бўлишигина кифоя эмас. Бизни ўтмишда аксарият қонунларнинг мавжудлигини эътироф этиш баробарида, уларга риоя қилишнинг зарур эмаслиги руҳида тарбияладилар. Ўша йилларда бизларда қонунга оддийгина ҳурмат туйғуси ҳам шаклланмади. Бугунги кунда аҳолининг кенг қатлами онгига ҳуқуқий маданиятга оид билимларни сингдириш, қонун талаблари ва руҳига ҳурмат билан ёндашувни тарбиялаш зарур бўлиб қолди. Қонунларга бундай муносабатсиз демократик ҳуқуқий давлатни қуриб бўлмайди. Жумладан, қонун ҳимоясидан ташқаридаги хусусий мулкчилик фермер хонадонларининг аланга ичида қолишига олиб келиши мумкин. Пировардида, оғиздагина демократия деб аталган жамият миллатлараро ва ижтимоий руҳдаги доимий тўқнашувлар майдонига айланиши ҳеч гап эмас. Шу боис бугунги жараёнларнинг бош талаби қонунийликни ҳурмат қилиш, қонунга итоаткорликдан иборат бўлиши зарур.

15Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995. 27-бет.

16Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон, 1995. 34-35-бетлар

17Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ. Т., 1994. 5-6-6.

Чинакам демократик жамиятда Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам нисбатан кам таъминланган камбағал ҳам, бойиб бораётган ишбилармон ҳам қонунга баб-баравар риоя қилиши шарт. Қонуннинг ҳаётнинг барча жабхаларида устуворлигига интилиш мақсадга мувофиқдир. Ишонч қафолати эса - бу қонунларга қатъий риоя қилиш қадриятидир.

Қонунчиликни ва ҳуқуқий қафолатни жорий қилишнинг ўзгача йўли ҳам мавжуд. Бу йўл Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий заминини яратишдир. Иқтисодий ўзгаришлар ҳаётда синалган, амалий кучга эга бўлган қонунларга асослангандагина сезиларли ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Бугунги кунда республикада фақатгина иқтисодий соҳага оид 50 дан ортиқ қонунлар қабул қилиниб, улар якка тартибдаги тадбиркорлик ва корхоналар фаолияти негизини белгилайдиган мулкӣ муносабатларни, ташқи иқтисодий алоқаларни, банк, ишбилармонлик, биржа фаолиятларини, чет эл сармояларини ҳуқуқий тартибга солиб турибди. Республикада амалга оширилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хиссадорлик корхоналари фаолиятига зарурий ҳуқуқий замин яратилган¹⁸.

Шунга кўра, Ўзбекистонда бозор иқтисодига ўтиш учун хизмат қиладиган ҳуқуқий идоралар пайдо бўлмоқда, маърифий шаклдаги бозорга ўтишни таъминлайдиган қонунлар мажмуаси тайёрланмоқда. Улар сохта бозор муносабатига ўтишга мўлжалланган жиноий тузилмаларга қарши курашда қонунчилик учун самара бермоқда. Бу ўринда кўзланган асосий мақсад нафақат халқаро нормаларга мос келадиган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, балки уларни ҳаётга жорий этишни таъминлашдан ҳам иборат.

Чунончи, ишбилармонлик фаолиятини ривожлантиришни қонуний йўлга қўйиш, ишбилармонлар шаън-шарафи тўғрисидаги қонунлар мажмуасини ишлаб чиқишнинг фурсати етди.

18 Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.: Ўзбекистон, 1994. 50-64-бетлар.

Тўртинчи тамойил: кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдир. Бозор муносабатларини жорий этиш аҳолини ижтимоий ҳимоялаш билан бирга кадам-бақадам бориши даркор. Мазкур тамойил бозор иқтисоди йўлида энг долзарб вазифа бўлиб келган ва шундай бўлиб ҳам қолади¹⁹. Демократик ва иқтисодий ислохотлар йўлида эришилган ижобий силжишлар Ўзбекистонда мустақиллик йилларида давлатнинг олиб борган иқтисодий сиёсати, шунингдек аҳолининг энг кам таъминланган қатламлари ҳимоя қилинганлиги туфайли ҳам содир бўлмоқда²⁰.

Бозорга ўтишнинг у ёки бу йўли тўғрисида гап борганда аниқ шарт-шароитларни у ёки бу ҳудуднинг ўзига хослигини, аҳолисини ва унинг хусусияларини инобатга олмай баҳс юритиб бўлмайди. Чунончи, Ўзбекистон Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида барқарор аҳоли ўсишига эга бўлган ўлкадир. Унда ҳар йилги аҳолининг ўсиши қарийб олти юз минг кишига етади. Ҳолбуки, бошқа Ҳамдўстлик мамлакатлари-Россияда, Украинада, Беларусияда туғилишнинг пасайиши кузатилмоқда. Мазкур вазият собиқ иттифоқ ҳудудида бўлган Болтиқбўйи мамлакатларида ҳам муҳим бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, Ўзбекистонда бир оилага тушадиган энг юқори демографик вазият мавжуд, яъни ундаги аҳолининг қарийб ярми 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлардан иборат. Уларни жисмонан бақувват ва баркамол бўлишлари учун, ижтимоий ҳимоялаш ва маънавий кадриятлар руҳида тарбиялаш даркор. Зеро республикада бир кишининг оладиган маошига олти-етти кишидан иборат оила кун кечиришини унутмаслик лозим.

Шу туфайли ҳам Ўзбекистонда авлодларнинг соғлиғини таъминлашдек улуғвор вазифа олдимизга пировард мақсад қилиб қўйилган. Шу боис, жаҳон мамлакатлари ичида Ўзбекистонда биринчи бўлиб "Соғлом авлод учун" ордени ва шу номли халқаро жамғарма ва журнал таъсис этилди. Чиндан ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом авлодсиз ривожланган мамлакатлар

19 Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон,1994. 64-79-бетлар.

20Қаранг: Правовое государство - независимость, нация, экономика, идеология, политика. Том 1. Т. Адолат, 1994, с.135-154.

қаторига кириб бўлмайди. Аҳолининг кексалар, ногиронлар, кўп болали оналардан иборат яна бир қатлами мавжудки, улар давлат ҳимоясига ўта муҳтождирлар. Шу боис ҳам давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ана шундай қатламнинг очлик ва муҳтожликка учрамаслигини таъминлашдир. Ҳақиқатан ҳам давлат ўз мамлакати аҳолисини ҳимоя қила олгандагина инсоний, демократик мақомга эга бўлади²¹. Ва аксинча, ижтимоий ҳимоясизликнинг олди олинмаса, биз доимо ҳар лаҳзада юз бериб туриши мумкин бўлган кўр-кўрона, стихияли кўпорувчилик ва ижтимоий портлашлар муҳитида ғафлатда яшайверамиз.

Шу боис фақат кучли фаол ижтимоий ҳимоя тадбири ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда бозорга ўтишнинг бир маромли ҳаракатини таъминлаши, таркибий қайта қуришни амалга ошириши, ижтимоий муносабатларни тубдан ислоҳ қилиши мумкин. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифадир. Мазкур тадбирлар доимо ўзгариб турувчи вазиятга, нарх-наволарнинг ошиши ва пулнинг қадрсизланишига мос равишда амалга ошиши лозим. Улар, турли хилдаги иқтисодий ва ижтимоий бўҳронларга қарамай, ҳаётнинг муносиб даражасини таъминлашни кафолатлаши керак.

Бешинчи тамойил: бозор иқтисодига ўтиш шошқалоқлик билан эмас, балки тадрижий равишда қадам-бақадам амалга ошиши зарур. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли босқичма-босқич бозор иқтисодига ўтишдир²². Чинакам маърифий ривожланишга тадрижий йўл танланганлигини ва бунда фожеали оқибатлар ва кучли ижтимоий бўҳронларни келтириб чиқарадиган сохта инқилобий сакрашлар бўлмаслиги ҳолатини алоҳида қайд этиш зарур.

Юртимизда мазкур ўтиш даврининг мавжудлиги муқаррардир, бу замон талаби, бинобарин, объектив заруриятдир. Бироқ, бозорга "юз" ёки "беш юз" кунларни чамалаб ёндошиб бўлмайди. Бозорга ўтишни тезлаштиришнинг ҳар

21 Ислохотимиз тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Российская газета" мухбири Вахтанг Шелия билан суҳбати// Халқ сўзи, 1995йил,12июль.

22 Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзинг хос йўли, -Т.: Ўзбекистон, 1993. 55-59-бетлар.

қандай йўли - муайян тайёргарлик кўрилмасдан "фалажли даволаш" услуги билан амалга оширилса, у ҳодда умидларнинг сўнишини, бозорга ўтиш ғояларига лоқайдликни туғдиради, халқ хўжалигида эса бўҳроний ҳодисаларнинг кучайишига, шаклланган барча тузилмаларнинг, хўжалик алоқаларининг издан чиқишига олиб келади. Бошқача айтганда бундай йўл мамлакатни батамом парокандаликка, ҳалокат ёқасига етаклайди, мустақилликка раҳна солади. Илгаридан (яқин юз йилдан бери) аҳолисининг аксарияти нисбатан паст ҳаёт тарзидан иборат бўлган Ўзбекистонда "фалажли даволаш" услубини қўллаш ўта ҳалокатли кечиши мумкин эди. Чиндан ҳам бозор иқтисодига ўтишда ҳали янгисини қурмай туриб ўз яшаб турган уйимизни бузиб ташлашимиз маъносиздир.

Бозорга ўтиш босқичма-босқич амалга ошиши лозим. Бунинг учун олдимизга қўйилган мақсад сари собитқадамлик билан ҳаракат қилмоқ зарур. Ўнлаб йиллар давомида ҳаётимизга зўрлаб тикиштирилган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни бир ижтимоий гуруҳ ёки синфнинг иккинчи гуруҳ ёки синф манфаатлари билан тўқнашувисиз қисқа муддатда ўзгартириб бўлмайди. Шу боис ташкилий, иқтисодий, молия-кредит ижобий тадбирларини ўзгартириш учун ҳуқуқий заминни, бозор инфраструктурасини барпо этиш, ходимларни тайёрлаш учун ҳам муайян муҳлат зарур. Кишиларни жамиятни янгилаш ва ўзгартиришнинг зарурлигига ишонтирмай, ҳаракатлантирувчи кучларни ва кадриятларни, муаммоларни ўзгартирмай ислоҳотлар йўлига кириш, янги жамиятни барпо этиш, жиддий муносабатларни жорий этиш амри маҳолдир²³.

Шарқий Европа мамлакатлари ва собиқ Иттифоқнинг аччиқ тажрибаси шошқалоқлик, қандай йўл билан бўлсада, "оддинга ўтиб олиш", муайян аниқ муддатларни кўр-кўрона белгилаш бирор-бир дурустроқ яшаш тарзига келтирмайди, балки ҳаётни издан чиқаради. Давлат монополизми шароитида ривожланган корхоналар ишлаб чиқарадиган товарларнинг баҳоларига

23 Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистоннинг снсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболнинг асосий тамойиллари. -Т.:Ўзбекистон, 1995.10-11-б.

эркинлик бериш қарийб ҳаётининг таназзулига айланиб қолди. Демак, агар истеъмолчиларнинг манфаатларини инобатга олишга асосланган соғлом рақобат вужудга келмаса, мазкур ҳодиса давлат томонидан амалга оширилган баҳоларнинг яна бир "осмонга сакраши" бўлади, холос. Янги шарт-шароитларни барпо этмай, аҳоли психологиясини ҳаётдаги ўзгаришларга тайёрламай бозор муносабатларини жорий қилишни тезлаштириш зид натижаларга олиб келиши, бозор иқтисодиёти ғоясининг ўзини, унинг моҳиятини обрўсизлаштириши мумкин.

Ўзбекистон тадрижий йўл билан ривожланиш тарафдори бўлган Шарқ мамлакатидир. Шу боисдан у бозор иқтисодиётига "буюк сакраш"лар ва "инқилобий ўзгартишлар" билан эмас, балки изчил равишда босқичма-босқич ўтиши жоиз. Яъни унинг фақат бир босқични босиб ўтгач, шарт-шароитлар яратиб қўйиб янгасига ўтиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек ҳар бир босқичнинг ўз долзарб муаммоларини амалга оширишнинг муайян усуллари ишлаб чиқилади. Бунинг учун одамларнинг эскича андозали ўй-хаёлларини ўзгартириш фавқулодда муҳимдир. Ҳар бир босқичда ана шу босқичга мувофиқ равишда кишиларнинг тафаккурини тайёрлаш, янги тизимнинг афзаллигига уларни амалий тадбирлар билан ишонтириб, ривожланган мамлакатларда юз йиллар давомида барпо этилган муносабатларни тиклашимиз даркор. Бозор иқтисодиётига сакраб ўтиб бўлмайди. Шу боис чуқур муҳокама қилиб олинган белгиланган босқичма-босқич ўтиш йўли -энг оқилона йўлдир. Мазкур йўлнинг енгил эмаслигига, балки унинг мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён эканлигига иймонимиз комил булиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида" номли китобида юртимизда озодлик шабадаси эсгандан буён амалга оширилган ижтимоий-сиёсий силжишлар, иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг натижалари таҳлил қилинган. Бундан ташқари бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи

босқичида мамлакат оддида турган вазифалар баён қилинган²⁴. Бозор иқтисодиётига ўтиш шунчаки мақсад бўлмай, айти пайтда у биринчи галда халқнинг муносиб ва фаровон ҳаётини таъминлаш қуроли ҳамдир. Мазкур ўринда Шарқнинг ҳаёт тарзини, руҳияти ва фалсафасини, шунингдек, исломий кадриятларни ҳам инобатга олмоқ жоиз. Бозор-бу муайян психологая бўлиб, уни эътибордан соқит этиб бўлмайди. Шу боисдан асосий вазифа ижтимоий зарбаларсиз, очлик ва қашшоқликсиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига чиқишдир²⁵. Худди ана шу маънода Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли мавжуд деб айтамыз.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида икки асосий вазифа долзарб бўлиб турибди. Буларнинг биринчиси, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатига асосланган янги демократик ҳуқуқий давлат қолипини (моделини) барпо этишни ниҳоясига етказиш²⁶; иккинчиси, бозорга ўтишни ташкилий жиҳатдан таъминлашнинг янги ходимлар жамоасини шакллантиришни тақозо қилиш²⁷.

Ислохотлар билан алоқадор кишиларнинг, энг аввало, масъул ходимларнинг ўзгаришларнинг ҳаётий моҳиятини тушуниб етишлари, пировардида уларнинг чинакам ватанпарвар бўлиб, республикамиз ва халқимиз манфаатлари тўғрисида қайғуришлари, уларнинг ҳаётий янгиланишларнинг ким учун ва нима учун амалга оширилаётганлигини тушуниб етишлари жуда муҳимдир. Улар вазифаларимиз ва мақсадларимиз-ни аниқ англаб олишлари ва берилган топшириқларни оғишмай амалга ошира биладиган ходимлар бўлишлари лозим. Шу боисдан ҳам бизнингча, давлат хизматчилари тўғрисидаги қонунни қабул қилиш ҳозирги энг долзарб вазифалардан биридир²⁸. Биз тамойил моҳиятига кўра янги ижтимоий сиёсий тузум ва давлатни барпо этаямиз. Ўзбекистонинг келажаги буюк. Ўзбек давлати

24 Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995.

25 Қаранг: Шарифхўжаев М. тараққиёт дастури. -Ўзбекистон овози, 1995, 13 июль.

26 Қаранг: Агзамходжаев А.А. Правовое основ государственной независимости республики Узбекистан. Т., 1993.С.3-4.

27 Қаранг: Правовое государство - независимость, нация, экономика, идеология, политика. Том 11. X. Адолат, 1994.-С.68-93.

28 Қаранг: Тожионов У. Давлат хизмати тўғрисида қонунлар мажмуи даркор// Халқ сўзи, 1995. 23 август.

бундай буюк келажак учун табиий бойликларга, ҳосилдор заминга, улуғ дарёларга эгадирлар. Энг асосийси - бу муқаддас заминда меҳнаткаш ва истеъдодли халқ истиқомат қилади. Ўз ишини пухта биладиган ташаббускор, тиниб-тинчимас, иш учун куйиб-пишувчи, халққа содиқлик билан хизмат қиладиган кишилар янги ижтимоий-сиёсий ва давлатчилик андозаларимизга ҳаёт бағишлашлари жуда зарур ходимларга оид сиёсатда бугунги ўтиш даври муаммоларини ҳал қила оладиган ёш авлоднинг куч-ғайратига суяниб ишлаш лозим. Уларнинг фаол ҳаракатлари учун барча имкониятларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мазкур беш тамойили Ўзбекистонда вертикал ва горизонтал ўзаро боғланган ва бир-бирига бўйсунадиган мустаҳкам ижроия ҳокимиятни сақлаб қолишнинг имконини берди. Бунинг натижасида эса ижтимоий барқарорлик ва қонунга итоаткорлик вужудга келди.

Мазкур тамойиллар ҳаётга тадбиқ этилгандагина алоҳида қудрат ва моҳият касб этади, самара беради. Ўзбекистон Президентининг мазкур тамойиллари республика Конституциясидан мустаҳкам ўрин олиб, миллионларнинг онгига кириб борди. Ҳудди ана шу ҳодиса муваффақиятларнинг гарови, барқарорлик кафолати, Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт сари ҳаракатининг сир-асроридир²⁹. Мазкур тамойиллар жамиятимиз тараққиётининг ҳуқуқий негизларини белгилаб берди.

29 Қаранг. Ўразев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. Т.1 Адолат, 1995. 42-6.

1.3. Ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг узвий боғлиқлиги.

Маданият инсон малакалари, билимлари, ғоялари ва ҳиссиётларини, шунингдек турли ижтимоий ҳодисаларда унинг мустаҳкамланиши ва моддий ҳодисага айланишининг йиғиндиси сифатида сиёсий, ҳуқуқий жабҳада ўз аксини топади. Модомики, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг фундаментал тамойили ғоялари турмушга тадбиқ этилар экан, бунинг асос замирида, охир-оқибат маданият ётади. Ягона маданият тизимининг таркиби ҳисобланган ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий маданият ҳар доим узвий алоҳида бўлади. Жамиятнинг ўзига хос маълум маданият даражаси бўлиб, унинг ҳар бир аъзосида шу маданиятнинг белгилари мавжуд бўлади. Аммо биз ҳозирда жамиятимиз аъзоларида, шунингдек ёшларда сиёсий, ҳуқуқий маданият белгилари тўла шаклланган деб айта олмаймиз. Бир-бирига кўмаклашувчи, бир-бирини таъминловчи, бир-бирини тўлдирувчи сиёсий ва ҳуқуқий маданият яхлит ҳолда тадқиқ этилар экан, у шакл ва мазмун, сабаб ва оқибат, имконият ва ҳаракат сифатида майдонга чиқади.

Маълумки ҳуқуқ ҳам, сиёсат ҳам ўзида ягона ижтимоий мазмунни мужассам этади. Сиёсий вакум бўлган жойда ҳуқуқий фаолият кўрсатиш мумкин эмас. Сиёсий маданият ва ҳуқуқий маданият давлат, демократия, озодлик ва масъулият тўғрисидаги энг ибтидоий тушунчаларга бориб тақалади. Бу ғоялар ҳамиша долзарб бўлиб, ижтимоий ўзгаришлар даврида улар фақат аксиологик аҳамиятгагина эмас, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар, назариялар бир-биридан ажралмасдир ва улар ҳамиша ёнма-ён борадилар. Одамнинг феъл атвори бошқарувчилари бўлган сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар қонунларда, декларацияларда, концепцияларда, назарияларда ўз ифодасини топади. Сиёсий ва ҳуқуқий маданият ўзаро алоқадорликда бир-бирини бойитиб келади. Сиёсий маданиятнинг норма ва принциплари ҳуқуқнинг ривожланишига таъсир кўрсатади, чунки улар ижтимоий ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади. Юқоридаги бобларда ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти ёритиб берилди, аммо

сиёсий маданият деганда нимани тушунамиз? Сиёсий маданият умумий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, у инсондаги сиёсий билимлар, баҳолашлар, малакалар ҳамда ҳаракатлар даражаси, характери ва мазмунини ташкил этади. Ҳуқуқий маданият умуминсоний маданиятнинг ажралмас қисми бўлса, сиёсий маданият унинг ўзагидир. Маълумки инсон ўз онгида акс этаётган нарсаларни ҳодисаларни қайта фикрлаб тафаккур қилиб, акс этаётган нарсаларни қамраб олишга қодир бўлсагина, ҳар қандай маданият объектив ҳаракат қилади.

Ҳар бир ёш авлод жамиятнинг ахлоқий сиёсий, ҳуқуқий, маданиятини эгаллаганда, ўзидан аввалги авлодларнинг ижтимоий-сиёсий тажрибаларига ёндашади ва уларни ўз онгидан ўтказди, яхшиларини олиб, фаолиятида, бу билан ўзининг маданиятини юксалтиради. Ёшларда ахлоқий ҳуқуқий, сиёсий маданиятни қарор топтиришда аввало уларнинг дунёқарашларида, тафаккурида умуминсоний қадриятлар, миллий қадриятлар билан уйғунликда миллий истиқлол мафқураси ҳам сингиши лозим. Ана шу дунёқараш шаклландан сўнг уни ҳимоя қилишга қодир ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий маданият шаклланишига шарт-шароитлар яратиш зарурияти туғилади. Чунки ҳуқуқий, сиёсий маданият ва ҳуқуқий ҳимоянинг мавжудлиги жамият демократлашувининг асосий кафолатларидан биридир.

Дарҳақиқат, жамиятда аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий фаоллиги давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиради. Бу ҳақида Президент Ислам Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шароитларни яратиш даркор»- деб таъкидлайди³⁰. Ёшларда сиёсий, ҳуқуқий маданият қандай пайдо бўлади? Кўп ўқиган, назарий

30 Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт- пировард максимиздир. Т.: Ўзбекистон, 2000 й. Б-32

билимларни эгаллаган билан ёшларда ҳуқуқий, сиёсий маданият пайдо бўлиб қолмайди. Уларни ақл-идрок билан англамоқ лозим. Сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий билим ва қарашлардан миллат ватан, тархий масъулиятли даврлар талаб имкониятларини ҳисобга олиб фойдаланмоқ керак.

Асосий қонунимизнинг «Сиёсий ҳуқуқлар» деб ном олган бобининг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар деб кўрсатилган. Бундай иштирок этишлар ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади, дейилган. Ёшлар ўзларининг ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда сиёсий маданиятни шакллантириб борадилар. Ёшларимизни асосан терроризм, диний экстеримизм ва бузғунчи ғоялар гирдобига киришидан сақлашимиз зарур. Республикамизда терроризм ва диний экстеримизм ҳолатларнинг пайдо бўлишида маълум бир тўдаларнинг ва кўпорувчи гуруҳларнинг аниқ мақсадларини амалга оширишлари учун шарт-шароитлар яратиб бераётган объектив субъектив сабабларга эътибор қаратайлик:

1-дан, чет ноқонуний диний оқимларнинг юртимизга суқилиб кириб, ҳокимиятни эгаллаш мақсадида, энг иқтидорли ёшларимизни турли йўллар билан ўзларига оғдириб олишга ҳаракат қилишлари;

2-дан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида баъзи бир моддий қийинчиликлар-ёшларимизнинг вақтинча моддий қийинчилик туфайли ноқонуний ишларга қўл уриши ҳоллари;

3-дан ўқув масканларида миллий қадриятларимизни ҳуқуқий-сиёсий тизимимизни тарғиб этувчи тадбирларнинг талабга жавоб етмаслиги;

4-дан, баъзи ўқув муассасаларида ўқитувчилар ва мураббийларнинг талабага нисбатан манфаатпарастлик уларнинг таълим тизимига, тарбияга бўлган қизиқишларнинг пасайишига олиб келиш ҳоллари;

5-дан, оилада носоғлом муҳитнинг юзага келиши, яъни баъзи она-оналарнинг маънавий қашшоқлиги оқибатида, уларга тақлид қилган ёшларнинг пайдо бўлиши;

6-дан ёшларнинг маънавий қашшоқ дўстлар даврасига тушиб қолиши;

7-дан, ёшларнинг бўш вақтлари етарли даражада эътиборга олинмаганлиги, назоратсиз қолаётганлигидир.

Жамиятимизнинг буюк оқибатини ва истиқболини таъминлаш учун ёшларга жамиятнинг барча жабҳаларида шу жумладан олий таълимда ҳам дунёвий ва диний билимларнинг уйғунлигини сингдириш, уларда тинчлик маданиятини шакллантириш лозим бўлади. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президентимиз И.А.Каримов ушбу масаланинг долзарблигини яна бир бор таъкидлайдилар. «Халқимизнинг табиатига мутлоқо ёт бўлган сиёсий, диний экстеримизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак»³¹. Маданият тушунчасини ўрганиш жараёнида сиёсий, ҳуқуқий ахлоқий маданиятни ривожланиш даражаси билан унинг мазмунини фарқлаш жуда муҳим. Уларнинг мазмунини аҳолининг ижтимоий гуруҳи, жумладан ёшлар шерик бўлган сиёсат, ҳуқуқ, мафкура, ахлоқ мазмунлари белгилайди. Сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий маданият даражаси эса жамиятнинг аниқ механизмида намоён бўладиган, мазмунан бойитилган изчил даражадир. Давлатимизда юз бераётган жараёнлар шу вақтгача анъанавий бўлиб келган илмий изоҳларни кескин ўзгартирмоқда. Масалан: инсон ҳуқуқлари нуқтаи назари жиҳатидан баҳолаш, янгича ёндашишларни келтириб чиққан ҳолда қонунда таъқиқланмаган барча нарсалар жамият фойдасига хизмат қилиши керак. Шу сабабдан сиёсий, ҳуқуқий ахлоқий маданият алоҳида аҳамият касб этмоқда, чунки уларнинг мазмунида инсонпарварлик, умуминсоний кадриятлар

31 И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан Эркин ва фаровон ҳаёт- пировард максимизм. Т.: Ўзбекистон, 2000 й. Б-25

мужассамдир. Ёшларда сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий маданият юксалишининг ўзига хос кафолатлари бўлиб улар қуйидагилар ҳисобланади:

1-дан, сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий ғояларни ўзига сингдирилганлиги,

2-дан, иқтисоднинг юқори даражаси унинг барқарорлиги:

3-дан, қонунларнинг такомиллашганлиги:

4-дан, қонун устуворлиги:

5-дан, ҳалқ мутафаккирларининг ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий қарашлари ва ғояларининг ўзида мужассамлаштирилганлиги. Ёшлар билан бўлган суҳбатлар, очиқ ва ёпиқ ҳолдаги социал тадқиқотлар бизга уларнинг ҳуқуқий онгига, маданиятига салбий таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлашга имкон берди. Булар қуйидагилардир: ёшларда умумий дунёқарашнинг торлиги, ҳамма нарсани пул билан ўлчаши, атрофдаги салбий феъл-атворли шахсларнинг таъсир этиши ва бошқалар.

Ҳозирги кунда ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ўзига хос тўсиқ бўлаётган омиллар: қонунларга риоя этилишини таъминловчи таъсирчан механизмларнинг тўла куч билан ишламаётганлиги: айрим мансабдор шахслар томонидан қонунларни кўр-кўрона бузилиши; ўқув юртларида ҳуқуқшунослик фанига кам соат ажратилганлиги: ушбу фан таълим муассасаларида ҳаммасида ҳам ҳуқуқшунос мутахассислар томонидан ўқитилмаётганлигидадир. Ҳуқуқ нормаларини мукамаллаштиришда ахлоқ катта рол ўйнайди, ҳуқуқ нормалари эса уни одамлар онгига сингдиришда ёрдам беради. Ҳуқуқий, сиёсий маданиятнинг ахлоқий маданият билан боғлиқлиги, қуйидаги ахлоқ категорияларида намоён бўлади: тўғрилиқ ва ҳаққонийлик, инсонийлик ва ишонч, виждон ва жавобгарлик ҳисси. Конституциявий нормаларда ҳам ахлоқий принципларни, ҳуқуқий ва ахлоқий мажбуриятлар бирлиги мустаҳкамланиб қўйилган: 48-моддасида «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларга риоя эркинликлари, шаъни ва

кадр-қимматини хурмат қилишга мажбурдирлар»³². Буни амалга ошириш учун қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш заруратини кўрсатади. Ҳуқуқий ахлоқийликнинг ахлоқий асосланиши ва ахлоқни ривожлантиришда ҳуқуқий, ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларни ҳаётга тадбиқ этишда уларнинг ўзаро ҳаракатда бўлишлиги. Юридик адабиётда тан олинмишича ҳуқуқ ва ахлоқнинг нуфузи-инсонларнинг давлатда қилинаётган ишларга ички муносабатидир.

Дарҳақиқат, ҳуқуқнинг мавжудлиги қонунларнинг моддалари ва қисмларида эмас, балки бутун жамиятнинг шу жумладан унинг ҳар бир аъзосининг онгида қай даражада акс этиши билан боғлиқ. Абу Наср Фаробий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» номли асарида ахлоқий камолот шартлари ва асосларининг шарқига алоҳида тўхталиб, ахлоқий камолотга эришиш, аввало, шахс жамият аъзолари билан фаолиятда муштарак муносиб бўлса, унинг онгида нафақат шахсий, балки ижтимоий манфаатларга ҳам мойиллик юзага келиши орқали амалга ошишини кўп бор тилга олади. Шунингдек, ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро узвий алоқадорлигини З.Исламов чуқур таҳлил қиладилар. Ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги нисбатлар етарли даражада мураккаб, у бирлик тафовут, ҳамкорлик ва қарама-қаршиликлардан иборат тўрт таркибий қисмни ўз ичига олишини ўз асарида кўрсатиб ўтади³³. Шу билан бирга таниқли олим «Ахлоқ қоидаларини бузмай туриб давлат қонунини бузиш мумкин эмас» деган фикрлари билан ахлоқ ва ҳуқуқнинг узвий боғлиқлигини бир сўзда ифодалядилар³⁴.

Ҳозирги кунда ахлоқий маданият ёшлар ҳаётини юксак ижтимоий мантиқ билан, мазмун билан тўлдиради, жамиятда учраб турувчи ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлувчи хурофот ва иллат. Ҳуқуқий, сиёсий маданият каби ахлоқий маданият даражасини ошириш зарурати ҳозирги шароитда мустақил Ўзбекистоннинг мафкуравий-иқтисодий тараққиёти учун ҳам муҳим ҳисобланади. Ёшларнинг ахлоқий маданияти моҳияти уларнинг

32 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: Ўзбекистон. Н.М.И.У. 2008 й

33 Исломов З. Общество Государство Право Т. Адават 1998 г 24-28 бет.

34 Исломов З, Ҳусанов О, Мирхамидов И. Ҳуқуқшунослик. Маърузалар мағни. Т.: 2000 й. 47-6.

индивидуал онгини ва амалий фаолиятини миллий ва умуминсоний тамойиллар даражасига олиб чиқилиши билан алоҳида хусусиятга эгадир. Айни вақтда ёшларнинг ахлоқий маданиятининг асосий хусусиятлари ахлоқий билимлар, ҳис-туйғулар, эътиқод ва амалий ишларда намоён бўлади. Ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятни шакллантириш турли йўналишларда амалга оширилсада, қуйидагилар асосий фактор бўлиб кўрсатилади; 1-дан, ёшларга ҳуқуқнинг ахлоқий қиммати жамият тараққиётининг асосий ҳаракатчиси эканлигини кўрсатиш ва асослаш. Ҳуқуқ нафақат жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий асосини ва сиёсий тузумини мустаҳкамлайди, балки инсонларнинг ҳатти-ҳаракатини ижтимоий жиҳатдан тартибга солувчи, илмий ва маданий қадрият сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқ инсонларнинг ижтимоийлашуви, маънавий баркамоллашуви, дунёқрашнинг кенгайиши, инсониятнинг маданий бойликларни ўзлаштиришнинг асосий воситасидир³⁵.

Қиёсий маънода ҳуқуқий маданиятни сиёсий маданиятнинг бир кўриниши сифатида қабул қилиш мумкин, чунки ҳақиқатдан ҳам сиёсий маданият ҳуқуқий маданиятга нисбатан кенг қамровли тушунчадир. У.Таджиханов ва А.Саидовлар ўзларининг «Ҳуқуқий маданият назарияси» номли дарслигида сиёсий маданиятга берган таърифи юқорида келтирилган фикримизнинг яққол далилидир. «Сиёсий маданиятни дунёқарашлар мақомида яъни одамларнинг сиёсий давлат ва ҳуқуқий тузилмаларга бўлган муносабатларни таърифловчи тушунча сифатида тан олиш зарур»³⁶. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий таъсир кўрсатиш механизмида мустақил ўрин тутди. Уларсиз қонун яратиш ҳам, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳам мумкин бўлмайди. Чунки ҳуқуқнинг мавжудлиги инсон билан чамбарчас боғлангандир. Ижтимоий турмуш талаблари токи давлат органларининг ҳуқуқ яратиш фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган одамларнинг иродаси ва онги орқали етмагунча юридик нормалар

35 Орних М.Ф. Личность и право. М. Юрид. 1975 с-101.

36 Таджиханов У. Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т. Ўзбекистон. РИИВ акад. 1998 й. 33-б

сифатида ифодаланиши мумкин эмас. Ҳуқуқий маданият ижтимоий маданиятнинг ахлоқий ва сиёсий маданиятга ўхшаш бўлмаган махсус шакли сифатида намоён бўлсада, аммо унга фалсафий, сиёсий, маънавий қарашлар таъсир этиб туради. Ҳуқуқий маданият ҳар бир инсонга жамият ва давлат ишларини бошқаришда онгли равишда иштирок этиш, ўз хулқ атворини ва фаолиятини тегишли тарзда ташкил этиш имконини беради. Сиёсий жараёнларда давлат ва жамиятни бошқаришда шу тариқа ҳуқуқий маданият ва сиёсий маданият ўзаро бир-бирига чамбарчас боғланиб кетади.

Сиёсий маданият жамият ҳар бир аъзосининг сиёсий онглилиги, сиёсий қобилияти, сиёсий билими ва кўникмалари билан ҳарактерланувчи фаолиятнинг ўзига хос кўринишидир. Сиёсий маданият ижтимоий маданиятнинг бошқа шакллари билан шаклланиб боради. Жамият ҳаётидаги сиёсий ўзгаришларнинг қонунларда ифода қилиниши ва тартибга солиниши билан чуқур алоқада ва сиёсий моҳиятга эга бўлади. Чунки қонунлар ва бошқа ҳуқуқий нормаларнинг давлат томонидан ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши унинг фаолияти сиёсий моҳиятга эга эканлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий маданият сиёсий маданиятни ўзига хос даражада акс эттиради. Фуқаролик ҳуқуқида давлатнинг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролига доир масалаларда сиёсий фаолият акс этади. Бунинг маъноси шундаки, ҳуқуқий мазмунга эга бўлган масалалар ёшлар онгида сиёсийлашади, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзишига ёрдам беради. Ўз навбатида сиёсий маданиятга эга бўлган масалалар ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиб боришида муҳим рол ўйнайди.

Шунингдек ҳуқуқий, сиёсий маданият ахлоқий маданият билан ҳам чуқур алоқада ва диалектик бирликда. Ахлоқий нормаларнинг сиёсат ва ҳуқуқ субъектлари фаолиятида намоён бўлиши унинг сиёсий ва ҳуқуқий онг билан ўзаро алоқадорликка эга эканлигини кўрсатади. Ҳар бир ёш шахс сиёсат ва ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида ахлоқнинг виждон, бурч,

инсонийлик, садоқатлилик ва ахлоқнинг бошқа шулар сингари турларига муносабатда бўлади ва уларни ўзида мужассамлаштиради. Ахлоқ нормаларининг ёшлар онгида ижтимоийлашиб бориши орқали улар ҳуқуқий сиёсий онг ва маданиятга таъсир кўрсатади. Маънавий-ахлоқий маданият сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга қанчалик таъсир этса, ўз навбатида сиёсий, ҳуқуқий маданият ҳам маънавий-ахлоқий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Сиёсий-ҳуқуқий воқеа-ҳодисаларнинг идрок қилиши, жамиятда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсатнинг, ҳуқуқий муносабатларнинг ахлоқ нормаларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ёшларнинг онгли фаолияти орқали алоҳида намоён бўлади.

Сиёсий, ҳуқуқий-маънавий онги ва маданияти юқори даражада ривожланган фуқаролар, шунингдек ёшлар яшайдиган жамиятгина тараққиётнинг юксак босқичларига кўтарила олади. Ўзбек халқи сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий маданиятнинг манбалари, заминлари, шарқ мамлакатлари маданиятига бориб тақалади. Шарқ ниҳоятда хилма-хил бўлсада, шарқона жамиятлар учун муайян ўхшаш хусусиятлар хос эканлигини таъкидлаш лозим. Устувор даражада индивидуалликка йўналтирилган ғарб инсонига қарама-қарши шарқ кишиси жамоага маънавий боғлиқликни ўзида ифода этади. “Эндиликда миллий маданиятни, унинг руҳий ва маънавий қадриятларини тиклаш бизнинг энг асосий мафкуравий вазифаларимиздан бири сифатида олдинги ўринга чиқиши керак”.³⁷ Юқорида қайд қилинган фикрлардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий маданиятдаги биргаликдаги ҳаракати ягона ҳолда бўлиб, параллел ривожланиши эмас, балки маданиятнинг бу турларини узвий равишда чатишиб кетиши, бир-бирини бойитиши ижтимоий бошқарув соҳасида маданий қадриятлар ташкил бўлишини характерлайди.

37 Исом Каримов, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида". Т.: "Ўзбекистон", 2012 йил, 225-бет.

2-БОБ. МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ.

2.1 Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури давлат ҳуқуқий сиёсатининг асосидир.

Қабул қилинган ҳуқуқий-норматив актларни ҳаётга муваффақият билан татбиқ этиш, кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ.

И.Каримов.

"Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди"³⁸, дейилади жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурида.

Ўзбекистон демократик ислоҳотлар йўлидан қадам-бақадам олға силжимоқда. Қўлга киритилган ютуқлар кўп жиҳатдан давлатнинг асосий ислоҳотчи сифатида демократик ўзгаришларнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга доимо ғамхўрлик қилаётганлигининг самарасидир. Шу билан бирга, давлат фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, аҳолининг ҳуқуқий билимини, жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ўстириш ишларини бир лаҳзага бўлсада сусайтираётгани йўқ. Мамлакатда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ўстириш, аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва таълимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. 1997 йилнинг 20 майида Президент И.А.Каримовнинг ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан шу куннинг долзарб ҳуқуқий муаммолари хусусида ўтказган учрашуви мазкур

38 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. № 9.

йўналишдаги ишларнинг жонланишига туртки бўлиб хизмат қилди. Бу учрашувнинг асосий ғоясини "Демократик жамиятга - юксак ҳуқуқий маданият" шиори билан ифодалаш мумкин. Биз эркин ҳуқуқий демократик давлат барпо этмоқдамиз. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотлар шу мақсадни амалга оширишга йўналтирилган демократик ислоҳотларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишда халққа юридик билимлар бериш, яъни жамиятдаги ижтимоий-ҳуқуқий фаолликнинг зарурий шартлари бўлган демократик тамойилларни кишилар онгига чуқурроқ сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда ислоҳотларни кузатиб туриб, уларга нисбатан хайрйхоҳлик билдиришнинг ўзи камлик қилади. Ҳар бир фуқаро кунда ҳақиқий ватанпарварликни намойиш этиб, ислоҳотларнинг фаол қатнашчиси, демократик ўзгаришларнинг бевосита ижрочиси бўлмоғи зарур. Қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорларининг моҳиятини чуқур англаб етиш, барча ҳаракатни халқнинг янги ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратиш шу жиҳатдан аҳамиятлики, унинг воситасида жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини кўтаришга эришилади. Адолатли демократик жамият фақатгина инсон, жамият ва давлат манфаатларининг бирлиги ва мутаносиблиги негизида барпо этилиши мумкин. Улар ўртасидаги муносабатларнинг асосини қонунийлик ташкил этмоғи лозим.

Ўзбекистон Конституцияси инсонни олий қадрият сифатида баҳолар экан, фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг демократик ҳуқуқий йўл билан ҳал этилишини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйган. Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаётни демократиялаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида кўп ишлар амалга оширилмоқда. Демократик принциплар, қадриятлар ва институтлар ҳаётимизнинг барча соҳаларига борган сари чуқурроқ кириб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1993 йилда Венада ўтказган Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи умумжаҳон анжуманининг қарорларини бажариш борасида Ўзбекистонда

инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди. Бу тизимга инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (омбудсмен), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази ва бошқа ўқув-маърифий ва нодавлат ташкилотлар киради.

Мазкур демократик институтлар демократлаштириш жараёнларига барқарорлик тусини бериш ва ислоҳотларнинг бир зум ҳам тўхтаб туришига йўл қўймаслик мақсадида барпо этилган. Жамиятда сиёсий плюрализм ва кўппартиявийлик қарор топди. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистоннинг ҳеч бир давлатдан қолишмаслиги учун барча чоратадбирлар амалга оширилмоқда:

Ўзбекистон ўз сиёсатини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш-демократиянинг асоси эканлигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширмоқда. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган принциплари ва нормалари, умуминсоний ҳуқуқий қадриятлар ва демократияга суянган ҳолда жамиятни демократлаштиришни халқ менталитети, миллий руҳият ва тафаккурнинг ўзига хос эканлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширмоқда.

Аҳолининг қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорларидан ўз вақтида хабардор бўлиб туриши, юридик ҳужжатларнинг, айниқса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш масалаларига оид ҳужжатларнинг мазмуни ва маъносини аниқ англаб етиши катта аҳамиятга эга. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билиши, уларнинг ўз ҳаётларидаги ўрнини ҳис эта олишлари шарт. Ўзи ва ўзгаларнинг ҳуқуқларини аниқ, билиш ва ҳурмат қилиш шахснинг юқори ҳуқуқий маданият соҳиби бўлишининг зарурий шартидир. "Совет империяси" даврида давлат доимо ўз ҳуқуқ ва манфаатларини инсон ва жамият манфаатларидан устун кўярди. Инсон бор - йўғи маъмурий-бошқарув тизимининг бир "мурвати" эди, холос. Эски ҳуқуқий мафкурадан озод бўлиш зарур. Бу гап ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига ҳам тааллуқлидир. Чунки уларнинг маълум

қисми ўша давр юридик ўқув юртларида таълим олганлар ва совет ҳуқуқий мафқураси шароитида тарбия топганлар. Албатта, маълум маънода бу билан уларни айблаб бўлмайди, бироқ уларнинг янги ҳуқуқий тафаккур ва дунёқарашни шаклланишидаги сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" ни қабул қилди. У ҳуқуқий маданиятни юксалтириш механизмининг, аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва таълими тизимини такомиллаштириш орқали кишилар ҳуқуқий онгини юксалтиришнинг асосий жиҳатини назарда тутди.

Дастурда ҳозирги замон руҳига мос келувчи малакали мутахассис юристларни, юридик фанлар бўйича янги дарслик, ўқув қўлланмалари ва дастурларини тайёрлаш ишларига катта аҳамият берилди. Ушбу Дастурни ва Ўзбекистон Президентининг тубдан янги ўқув ва оммавий ҳуқуқий адабиётлар тайёрлаш зарурлиги ҳақидаги даъватига жавобан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан Конституция, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексига шарҳлар нашр этилди, кўп жилдлик Жаҳон конституциялари тўпламининг икки жилди чоп этилди, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, криминалистика, ички ишлар идораларининг маъмурий фаолияти бўйича дарсликлар нашр этилди. Барча юридик фанлар бўйича ўқув дастурлари янгиланди. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ, мусулмон ҳуқуқи, жиноят процесси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий этикаси ва эстетикаси бўйича дарсликлар нашрга тайёрланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" туркумида 12 та китоб чиқарди, улардан "Конституция. Луғат-маълумотнома", "Конституция ва инсон ҳуқуқлари", "Инсон ҳуқуқлари ва

ҳуқуқий маданият", "Инсон ҳуқуқлари ҳақида нималарни билиш лозим", "Тил ва қонун", "Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш", "Демократия ва инсон ҳуқуқлари" кабиларни алоҳида эслатиб ўтиш лозим.

Халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги тадбирларни давлат сиёсати даражасига кўтариш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича "Ижтимоий фикр" нодавлат маркази, ҳуқуқий билимларни тарғибот қилиш маркази, ҳуқуқшунос мутахассисларни қайта тайёрлаш маркази, Адлия вазирлиги қошида аҳолининг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича махсус бўлинма ташкил этилди. Истиқлол йиллари ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий маданиятга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат фаолиятининг асосий йўналишига айланди. У давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш стратегиясида ва демократик институтлар тизимини барпо қилишда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президент И.А.Каримовнинг аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий тарбияни яхшилашга қаратилган ишларини давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида тан олиш зарурлиги ҳақидаги ғояси, унинг 1997 йил 25 июнда эълон қилинган "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги фармонида амалга оширилган. Унда "аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар - давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин"³⁹, - дейилган. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш давлат сиёсати инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бирламчи аҳамиятга эга эканлиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги,

39 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. № 7. 179-модда.

демократлашув, ижтимоий адолат, ҳуқуқий тарбиянинг илмийлиги, изчиллиги ва умумийлиги, ҳуқуқий маълумотларнинг очиқлиги, ҳуқуқий тарбия ва саводхонликка ўзига хос муносабатда бўлиш каби асосий қоидаларига таянади.

"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" давлат сиёсатининг янги ҳуқуқий маънавиятни ва мамлакатдаги ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасидаги стратегик йўналишларини белгилаб берди. Бундан ташқари Президент Фармони асосида Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга қаратилган бир қатор қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 1997 йил 10 июлда "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармасини тузиш тўғрисида", 1997 йил 21 июлда "Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида", 1997 йил 22 июлда "Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида" қарорлар қабул қилинди.

Шундай қилиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини кўтариш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсатининг устун йўналиши бўлганлиги учун бир қатор амалий ишлар қилинди. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, Адлия вазирлиги қошидаги Фуқароларнинг қонунийликнинг бузилиши ҳақидаги шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бўйича бошқармаси, Юристлар малакасини ошириш маркази, Тошкент Давлат юридик институти қошидаги ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш маркази ўз фаолиятларини бошлаб юборганлар. Қабул қилинган давлат қарорлари ва янги демократик институтлар фаолиятининг натижасидан ҳар бир инсоннинг баҳраманд

бўлиши, ҳар бир фуқаро уларнинг ишини ҳис қилиши амалий аҳамиятга моликдир.

Тошкентда ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида чет эллик етакчи ҳуқуқшунос олимлар иштирокида қатор анжуманлар, симпозиумлар ва семинарлар ўтказилди. Бу анжуманларда демократик ҳуқуқий давлат қуришга асос бўладиган қонунчиликни мустаҳкамлашнинг ҳозирги муаммолари муҳокама этилди ва аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги ишларни яхшилашнинг қулай ва самарали усуллари ишлаб чиқиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. К.Аденауэр номли фонд иштирокида "Ҳуқуқий давлат ва демократия" мавзуи бўйича Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий вилоятларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун бир неча семинарлар, Ички ишлар вазирлиги Академиясида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ва инсон ҳуқуқлари Миллий маркази билан ҳамкорликда "Конституция" ва "Инсон манфаатлари", "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш", "Конституция ва ёшлар ҳуқуқи" каби мавзулардаги конференциялар, "Ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши" мавзуида минтақавий семинар ўтказилди ва ҳ.к.

Бошқа бир қатор тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида ҳам бу муаммога кўпроқ аҳамият берилмоқда. Хусусан, ҳуқуқий билимларни оммага етказишнинг анъанавий бўлмаган шаклларига оид изланишлар олиб борилмоқда.

Аҳолининг кенг қатламларига мўлжалланган "Ҳуқуқ-право", "Ижтимоий фикр", "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" каби янги юридик газета ва журналлар пайдо бўлди. Маҳаллаларда, меҳнат жамоалари ва корхоналарда, ташкилот ва муассасаларда ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш тизими

тамомила янги ва сифатли даражада қайта тикланмоқда. Бу ишга ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи ходимлар кенгроқ жалб қилинмоқда, чунки ҳуқуқшуносликнинг нозик томонларини тушуниш ҳуқуқий билимларнинг асосини билмайдиган оддий одамлар учун анча мураккаб.

Буларнинг ҳаммаси, мамлакатда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги ишлар кенг миқёсда олиб борилаётганидан далолат беради. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир оиланинг ва ҳар бир жамоанинг маданиятидан ташкил топади. Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун юридик ўқув юртлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг малакасини ошириш марказлари, фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, юридик адабиётлар, дарсликлар ва кўлланмаларни нашр этиш ва тарқатиш муассасаларининг кенг тармоғи хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқий саводхонлик - ҳуқуқий маданият асосидир. Жамият ҳаёти ва фаолиятида Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий билимларнинг асосларини яратиш зарур. Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлиги, авваламбор, Конституция ва қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлайди. Бу - ҳуқуқий нормаларга юзаки муносабатда бўлиш фикрининг ўзи бўлмаслиги кераклигини ифодалайди. Қонунга ҳурмат ҳар бир инсоннинг қалбидаги чуқур эътиқоди бўлмоғи лозим. У инсоннинг ёшлигидан бошлаб онгига сингиб, мустаҳкамланиб бориши керак. Бу ота-оналар, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, барча жамоат уюшмалари ва давлат ташкилотлари, бутун жамиятнинг улкан, сермашаққат ишидир. Нима мумкину, нима мумкин эмаслиги ҳақидаги ҳуқуқий нормалар барчага маълум. Қонунни бузиш мумкин эмаслигини тушуниш юридик дунёқарашнинг "қалб кўзи" бўлмоғи даркор.

Совет давридаги ҳуқуқий нигилизм, яъни қонун ва ҳуқуқий нормаларга юзаки, беписандлик билан муносабатда бўлиш, кишилар онгида чуқур из қолдирган ва қисқа муддат ичида қонунга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришга эришиш жуда қийин. Эндиликда ҳуқуқий тарбия борасида узок вақт, доимий ва тинимсиз ишлаш, фуқароларни қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлишга кўниктириш юзасидан бетиним меҳнат қилиш зарурдир.

Қонун - нафақат мажбурий ҳуқуқий фармойиш, балки халқ иродасининг ифодаси ҳамдир. Уни халқ сайлаган парламент қабул қилади. Давлат ҳокимиятининг ҳам, қонуннинг ҳам манбаи халқдир. Унинг замирида қонуннинг устунлиги ғояси ётади. Халқ манфаатлари ва хоҳиш-иродасидан устун турувчи нарса бўлиши мумкин эмас. Қонунга итоаткор фуқаролар буни доимо ёдда сақлайдилар. Қонун ва қонунга итоатгўй фуқаролар ҳаракатларидаги ҳамжихатлик ҳуқуқий давлатга куч-қувват бағишлайди.

Қонунга итоат этиш ҳуқуқий маданиятнинг асосидир. Давлат аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласини қўйиб, қонунга кўр-кўрона итоаткор бўлишни эмас, балки фуқароларнинг унинг талабларини онгли равишда бажаришларига эришмоқда. Фуқароларнинг қабул қилинаётган ҳар қандай қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг маъноси ва аҳамиятини англаб етишлари муҳимдир. Аммо янада муҳими шундаки, бу уларнинг эътиқодига айланиши керак, зеро ана шундагина фуқаро ўзининг ҳаётий фаолиятида қонун нормаларига жазоланишдан кўрқиб эмас, балки ихтиёрий равишда амал қилади. “Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати-инсонийлик, эзгулик қонунларига асосланади ҳамда фуқаролар осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолади”.⁴⁰ Ана шундагина ҳақиқий юксак ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгнинг муносиб даражаси ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлади. Қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни билишлик фуқаролар кундалик ҳулқ-атворларининг қонун

40 Ислам Каримов, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида". Т.: "Ўзбекистон", 2012 йил, 404-бет

ҳужжатларидаги талабларга мувофиқлашувига, ҳар хил ҳаётий вазиятларда ўзларини тўғри тутишларига имкон беради.

Биз демократик ҳуқуқий давлат қурилаётган мамлакатда яшамоқдамиз. Бу адолатли фуқаролик жамияти сари бораётганлигимизни, унда тараққий этган, адолатли қонун ҳукмрон бўлишини билдиради. Ўз навбатида, бу фуқароларга нисбатан талабларни оширади. Улар ўз давлатининг қонунларини билишлари ва уларга сўзсиз риоя этишлари керак. Қонунчилик ва ҳуқуқий маданиятни тараққий эттириш ва такомиллаштириш ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг ягона йўлидир.

"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" доимий фаолият кўрсатувчи кенг қамровли тизимни барпо этишга қаратилган. У аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишни, фуқаро, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳамжиҳатликни таъминлашни, фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштиришни, давлат аппарати ходимлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишни, ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакаларини оширишни, ҳуқуқий маданият соҳасида илмий изланишлар олиб боришни кўзда тутди.

Дастур барчани ва ҳар бир инсонни юридик тараққиётнинг истиқболи ҳақидаги билимлар билан қуроллантиришга даъват этади. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида"ги қарор аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги ишлар қисқа муддатли "кампания" эмас, балки давлатнинг маълум мақсад сари йўналтирилган стратегик курси, жамият фаолияти ва ҳаётида қонуннинг устунлигини таъминлаш борасидаги кундалик меҳнат эканлигидан гувоҳлик беради.

Маълумки, қонунда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган саволларга жавоб бор. У ягона адолатли мезондир. Шунинг учун аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатишни, аҳолига оммавий-ҳуқуқий таълим беришни кенгайтириш

давлатнинг бирламчи вазифасидир. Шу мақсадлар "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" мактабгача тарбия муассасалари, олий ўқув юртлири ва умумтаълим мактабларида ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия борасида юридик билимларни тест синови ва давлат имтиҳонлари тарзида жорий этиш, педагогларнинг ҳуқуқий маданиятини кўтариш, илмий ноширликни, илмий-оммабоп юридик адабиётларни, маълумотномаларни кўпайтиришни тақозо этади.

Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия кампания тарзида эмас, балки маълум мақсадни кўзлаб, режали ва самарали тарзда, турли ижтимоий гуруҳларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда олиб борилиши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳали ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тарбия масалалари бўйича ўтказилаётган илмий изланишлар етарли эмас. Ҳуқуқий давлат, қонун ва Конституция талаби нуқтаи назаридан юридик ҳужжатлар, ҳукм ва суд ҳужжатларининг ҳаммаси ҳам талабга жавоб бермайди.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини яхшилаш, аҳолига ҳуқуқий хизмат қилиш сифатини кўтариш, ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлаш, ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш бўйича катта ишларни амалга ошириш мумкин. Бу ишда юристлар ва уларнинг уюшмалари ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқлари зарур. Юристларнинг касбий фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онига ижобий таъсир кўрсатишни назарда тутаяди. Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия узок давом этувчи, изчил, оғир ва кўп қиррали жараёндир. У ҳуқуққа оид ишлар савиясини кўтаришни, барча фуқаролар, мансабдор шахслар ва жамиятнинг Конституция ва қонунларга қатъий риоя қилишларини талаб қилади.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда юридик ахборот тизимининг пухта ишлаб чиқилган бўлиши катта аҳамиятга эга. Ҳозир Ўзбекистонда ўнлаб юридик журнал ва газеталар нашр этилмоқда, яқин ўтган йилларда бундай нашрлар умуман йўқ эди. Шунини ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, мазкур нашрларнинг ҳаммаси ҳам уларнинг баланд нархларда

эканлиги сабабли кенг китобхонлар оммасига, айниқса, ёшларга етиб бормаяпти. Шу боисдан мактаб ва бошқа ўқув юртларини газета ва журналлар билан бепул таъминлаш имкониятлари тизимини ишлаб чиқиш зарурияти туғилмоқдаки, бу нарса, шубҳасиз, ўзининг ижобий натижаларини беради, зеро бунда ўқувчилар учун мана шу нашрлардан кутубхоналар орқали фойдаланиш имконияти пайдо бўлади. Ҳуқуқий мавзуга радио ва телевидения ҳам кўпроқ эътибор қарата бошлади. Телевидениянинг қонунчилик ва ҳуқуқни тарғиб қилувчи, юридик саволларга жавоблар берувчи кўрсатувлари аҳоли орасида борган сари кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимиздаги демократиянинг даражасини, инсон ҳуқуқларининг аҳволини, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни акс эттирувчи кўзгудир. Халқаро экспертлар Конституциямизни юқори баҳолаб, унинг вақт синовидан ўтганлигини, барқарорлигини, конституциявий демократик қонунчиликнинг намунаси, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолат эканлигини эътироф этмоқдалар. У мамлакатимиз фуқаролари томонидан демократик асослар ва принципларни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, умуминсоний қадриятларни мустаҳкамловчи ҳужжат сифатида қабул қилинди.

2.2. Ёшларда ҳуқуқий маданиятни янада оширишда оила ва жамоатчиликнинг роли.

Жамият ҳаёт кўринишининг универсал шакли бўлса, оила унинг ячейкасидир. Оила умумий, махсус ва ижтимоий қонунларга мувофиқ ривожланади, шу билан бирга у жамиятнинг барча қарама қаршиликларини ўзида акс эттирувчи, айна чоғда ўз ички зиддиятлари, табиий ички тараққиёт манбаларига ҳам эга бўлган нисбатан мустақил ижтимоий институтдир. Жамиятда ва оилада юз берадиган ўзгаришлар ўзаро бир-бирига боғлиқ. Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, маънавий, руҳий ўзгаришлар ёшларда оила ва оилавий муносабатларга нисбатан яхши ижобий муносабатлар шаклланиш учун зарур имкониятларни яратди. Шу сабабли оила фақат аҳоли сонини тўлдириш вазифасини бажарибгина қолмай, шахснинг ўз-ўзини намоён этувчи, ижтимоий аҳамиятга молик фазилат ва хислатларни эгаллаш учун, ижтимоий маданиятни шакллантириш учун қулай муҳит ҳисобланади.

Республикамизда 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилиниши, барча давлат ва нодавлат ташкилотларининг, оиланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга жалб этди. 1998 йил феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Оила» Республика илмий-амалий маркази ташкил этилди. Оила ёшларга ҳуқуқий тарбия беришда ва таълим тизимининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Оиладаги муҳит фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги, ўзаро муносабат, шаклланган тарбия тизими болаларда ҳуқуқга бўлган дастлабки қарашларни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Халқимизда доно нақл бор: «қуш уясида кўрганини қилади». Агарда ота-оналарнинг ўзлари ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг ҳуқуқий томонларидан беҳабар бўлса, хизмат жойларида, кўча-кўйда қилган ҳуқуқбузарликларини ҳеч нарса бўлмагандек, фарзандлар олдида муҳокама қилиб ўтиришса, бу ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясида оила ролининг муҳимлиги, бошқа ҳуқуқий таълим

тизимдаги ўқув масканлари каби қонун билан белгиланган ҳодиса эмас, у ўзбекона тарбияга хос маънавий ахлоқий қадриятлари билан белгиланади.

Ёшларни аввало оила тарбиялайди. Оилада муҳит ўзаро ҳурмат, олийжаноблик, ҳалоллик асосига қурилган бўлса, оила бошлиқлари ўз вазифаларига сидқидилдан қарасалар жамиятнинг бундай ячейкасидан яхши фуқаролар етишиб чиқади. Шунинг учун ҳам оилани давлатнинг асоси дейдилар. Шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккири, қомусий билим соҳиби Абу Али ибн Сино ўзининг «Рисолату тадбири манзил» асаида ота-она зиммасига ўта мураккаб ва ҳаётий вазифаларни қўяди. Агар оила бошлиғи тажрибасизлик, нўноқлик қилса у оила аъзоларини яхши тарбиялай олмайди ва оқибатда ёмон натижа келиб чиқиши мумкин. «Оилада ёмон тарбия деб уқтиради олим,- фақат шу оиланинг ўзигагина салбий таъсир қилиб қолмасдан, балки атрофдаги бошқа оилаларга ҳам салбий таъсир қилиши мумкин»⁴¹. Ибн Сино кўрсатадики, шароитнинг қандай бўлишидан қатъий назар, бола тарбияси ота-оналарнинг асосий бурчи ва вазифасидир. Ота-она давлат бошлиғими ёки жамиятнинг оддий фуқаросими, унисидан қатъий назар, бола тарбияси масаласида уларга бир хил талаб қўйилади. Давлат бошлиқлари ва бошқа катта мансабдор кишилар ҳам оила тарбияси масаласида бошқаларга ўрнатилган кўрсатиши лозим. Шунинг учун ҳам Ибн Сино давлат бошлиғи ва мансабдор шахсларни энг яхши фазилатларга эга бўлишни талаб қилади.

Тарбиянинг барча йўналишларида бўлгани каби ҳуқуқий тарбияда ҳам мунтазамлилик, ворисийлик бўлиши даркор. Ҳуқуқий тарбияни ёшлиқдан олиб бориш даркор, чунки ёшлиқ кишининг дунёқараши, ўз-ўзини англаши ва қадриятларини тушуниши, ахлоқий сиёсий-ҳуқуқий ва бошқа идеалларга мустақил баҳо бериш қобилияти тез шаклланиб бориши билан характерланади. Шунинг учун ҳам оилада ўқув юртларида, жамоат ташкилотларида меҳнат жамоаларида олиб бориладиган тарбиявий ишлар оммавий ахборот

41 Ирисов А. Ибн Синонинг фалсафий рисолалари. Тошкент, Ўзбекистон. 1963 йил 20-б.

воситаларининг диққат-эътибори ўсиб келаётган ёш авлодда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилмоғи керак. Болалар боғча ёшидан бошлаб тартибни, турмуш қоидаларини ҳурмат қиладиган бўлишларига эришиш даркор. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек- оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия жамоатчилиги фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, руҳонийларнинг обрў-эътибори ҳамма-ҳаммаси одамларимизда қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршилиқни шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий айтганидек, ҳар кимки илм - ҳикматни деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлигини яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақлансин, хиёнат, мақр ва хийладан узоқ бўлсин, диёнатли бўлсин ва барча қонун қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямасин, барча реал моддий нарсалар тўғрисида билимни эгалласин⁴².

Маънавий баркамол инсонни тарбиялашда оиланинг тутган ўрни бениҳоя каттадир. Аслида оила жамиятнинг бир таркибий қисми. Жамиятда рўй бераётган ҳамма жараёнлар оилага, кишиларга турмуш тарзига бевосита таъсир қилар экан, шунингдек оиладаги муносабатлар ҳам жамиятга у ёки бу соҳада ўз таъсирини кўрсатади. Оилаларда сақланиб қолган урф-одатлар анъаналар тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Маълумки, мусулмон оламида ёшларни тарбиялаб, жамиятда ўрнини топишда оиланинг ўрнига азалдан алоҳида эътибор берилиб келинган. Оила шароит қонунига бўйсунган ҳолда, жамиятнинг талабини ҳам бажариб бориши зарур. Инсон ҳам оилада жамият талабларига мос ҳолда тарбияланиб боради. Мана шунга ўхшаш шарқона маданиятнинг бизнинг оиламизда сақланиб қолганлиги ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқий давлатни барпо

42 Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т, 1993 йил 182-бет.

этишда оиланинг тутган ўрни маълумдирки, бу барча фуқароларимизга ўз оиласини мустаҳкамлаш, унинг ҳар бир аъзоларини, шунингдек ёшларимизни давлатимизга сидқидилдан хизмат этувчи ҳуқуқий маданиятли жамият аъзоси қилиб етказишимизни тақозо этади.

Ҳар бир жамиятнинг негизини унинг фуқаролари, оиласи ташкил этади ва шу ҳар бир фуқаронинг тутган ўрни билан давлатнинг қудрати келиб чиқади. Ўсиб келаётган авлоднинг етуқлиги ҳам, инқирози ҳам оиладан бошланади. Оилада олинган тарбия ва билим ўрнини ҳеч бир нарса бош бўла олмайди. Оилада шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш боланинг ёшлигидан бошланади. Шахс ҳуқуқи маданиятни шакллантириш, оиладаги тартиб интизомга боланинг бефарқ бўлмаслигини таъминлаш лозим. Шунингдек «Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 13-моддаси 11-хатбошида «Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларга васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этади, бундай болаларни тегишли давлат муассасасига жойлаштиришга кўмаклашади.

Фарзандларнинг онги, билими, ҳуқуқий маданияти айниқса талабалик даврида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бу пайтда у турли тоифа дўстлар орттиради, шу пайтгача унга уқтирилган, айтилган нарсаларга танқидий қарай бошлайди ва шунга интилади. Шахснинг ижтимоийлашганлик белгиси унинг доимий билимга чанқоқлиги дунёқараши кенг қонун-қоидани, тартиб интизомни яхши билиб, уларга амал қилишидадир. Ҳуқуқий билими юксак инсонлардан ташкил топган оиладан жинойтчилар, қонунбузарлар чиқиши амри маҳол. Республика халқ таълими вазирлиги, Низомий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ўзаро ҳамкорликда «Ўқувчиларни

тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги»⁴³ Концепциясини ишлаб чиққан. Шуниси қизиқки, нима учундир концепцияни ҳаётга тадбиқ этувчилар фақат педагоглардан иборат. Унда 7 та бўлим мавжуд бўлиб, фақат «ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигини ошириш механизми» номли бўлимидагина ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ходимларига тегишли фикрлар баён қилинган. Биз истардикки, шундай концепция фақатгина мактаб ўқувчилари учунгина эмас балки талабалар учун ҳам ишлаб чиқилиб ва унга ҳуқуқ тарғибот органлари ходимларининг вазифалари ва ҳамкорлиги ҳам киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Фуқаролар фаоллигини ошириш фуқаролик жамиятининг энг муҳим талабидир. Бу ҳақда Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 12-сессиясида сўзлаган нутқида шундай деган эди. «Жамоат ва нодавлат тузилмалари ҳаёт тақозаси билан давр талабига кўра ташкил этилиши керак. Ҳокимиятнинг маҳаллий ва марказий бошқарув органлари эса бу жараёнга тўсик бўлмасликлари, аксинча бу янги ва демократик ва жамоат тузилмарини ташкил этишини рағбатлантиришлари лозим. Токи одамларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда бунёдкорлик ишларида, фуқаролик жамиятини белгиловчи кадриятларни шакллантиришда кўпроқ ва фаолроқ қатнашсинлар».

Демократик институтларни ривожлантиришдан бош мақсад кўпчиликни мумкин қадар жамият қурилишига жалб этиш, уларни ўз тақдирларини, ўз келажакларини тўлақонли эгаларига айлантиришдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791-сонли Фармонида мувофиқ, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларини ҳуқуқий фаоллигини ошириш, ислохотларни янги мазмун билан бойитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий

43 «Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» Концепцияси. Т.: Ўқувчи 16-б

йўналишларидан бири этиб белгиланганлигини инобатга олиб «Хуқуқий маърифат тарғибот марказини ташкил қилиш ва хуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига⁴⁴ кўра Тошкент давлат юридик институти хузурида хуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия Вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари хузурида унинг минтақавий бўлимлари ташкил этилди ва Низоми тасдиқланди.

Унга кўра хуқуқий тарғибот Марказий олдида кўплаб вазифалар юкланди, шулардан бири аҳолининг хуқуқий маданияти ва савиясини оширишга қаратилган ташкилий-ташвиқот ишларда жамоат бирлашмалари, хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Касаба уюшмалари, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат бирлашмаларига аҳолининг хуқуқий билимларини ошириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш тавсия этилган.

Фуқаролик жамияти шароитида ёшлар хуқуқий маданиятини юксалтириш нафақат давлат органлари зиммасига масъулиятли вазифа юклагина қолмай, балки жамоат ва бошқа нодавлат тузилмаларининг фаоллик даражасига ҳам боғлиқдир. Ёшларнинг нодавлат тузилмаларида фаол иштирокини таъминлаш ўз навбатида уларнинг хуқуқий маданияти даражасини ҳам муттасил ошириб боришни зарурият қилиб қўяди. Айниқса, юридик фаолиятнинг турли соҳалари бўйича нодавлат ташкилотларига бирлашган ҳолда ёшларнинг хуқуқий маданияти оширилишига эътибор қаратиши муҳим аҳамият касб этади. Ёшларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришда касаба уюшмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари

44 Қаранг: Халқ сўзи, 1997 йил 23 июль

муҳим ўрин тутати. Шундай экан “Касаба уюшма ташкилотлари, комитет ва кенгашлари кўпинча меҳнаткашларнинг иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги жуда муҳим масалаларда кузатувчи бўлиб турибди”⁴⁵-дея бежиз айтиб ўтмаган Президентимиз И.А.Каримов.

Уларнинг зиммасига ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларида ёшларнинг янада самарали фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтиришга катта ҳисса қўшиш вазифалари юкланади. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ҳуқуқий тарбиянинг умумийлиги ва ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги принципини рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шу жумладан маҳалла институтларнинг мавқеи ҳам беқиёсдир. Шу сабабли аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллаларда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятни ошириш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш кутилган натижа бериши шубҳасиз. Маҳаллаларда янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари юзасидан кенг маънодаги тушунтиришларни олиб бориш, суҳбат, маъруза машғулотларини ўтказиш ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга катта ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунига⁴⁶ биноан ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат органларига кўмаклашиши билан бирга ўзлари ҳам мустақил равишда баъзи давлат органларига таълуқли вазифаларни бажаради. Жумладан ер муносабатларини тартибга солишда, нотариал ва фуқаролик ҳолати актларини қайд қилишда баъзи вазифаларни бажаради. Шу сабабли ўз валюталарини амалга оширишда юрист мутахассисларнинг иштирокини янада кучайтириш ҳуқуқий маданият самарадорлигини оширишга кенг имкониятлар яратиб беради. Мамлакатимизда нодавлат ва жамоат ташкилотларига эътибор кафолати кундан-кунга ошиб бормоқда.

45 Исом Каримов, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида". Т.: "Ўзбекистон", 2012 йил, 216-бет.

461 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999 № 5. 110

Бунга 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида ҳам эътибор қаратилди. Унда Президентимиз шундай дедилар; «Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориши зарур. Бу борада ўзини-ўзи бошқарадиган идораларнинг маҳаллаларнинг нуфузини, мавқеини ошириш уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади»⁴⁷. Маҳалла ҳар бир оиладаги маънавий ахлоқий муҳит, фарзандлар тарбиясига сезиларли таъсир ўтказиб келган мустақилликка эришилгандан сўнг маҳалла демократик давлатнинг энг муҳим бўғинларидан бири сифатида расмий мақомга эга бўлди, ҳокимиятни бошқарувчи қуйи органига айланди. Ҳуқуқшунос олим З.Исломов маҳалланинг жамиятда тутган ўрнини қуйидагича баҳолайди: «Маҳалланинг таълим-тарбия мактаби ҳаёт дорилфунуни сифатида аҳамияти шу қадар каттаки, унинг бу борадаги ўрни ва ролини аниқ ва мукамал баён этиш, моҳиятини тўла ёритиш ҳеч ҳам мумкин эмас»⁴⁸.

Инсоннинг бутун умри ўтадиган маҳалланинг хусусияти шундаки, унда яшовчи ҳар бир оила, шахс шу аҳли жамоа кўз ўнгида шаклланади. Маҳалла ёшлари тарбияси маҳалла фаолияти йўналишлари билан узвий боғлиқ бўлган жараёнدير. Аҳолига энг яқин бўлган ҳокимият бўғини бўлган маҳалла ёшлар ўртасида катта тарбия ўчоғи, маънавият ва маърифат маркази бўлмоғи лозим.

Ҳуқуқий тарбиянинг унсурлари жумласига муайян таъсир кўрсатиш воситалари ҳам киради⁴⁹. Ҳозирги даврда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда оғзаки, кўргазмали ва илғор техник воситалардан фойдаланиш ҳам самарали бўлмоқда. Бунда радио, телевидения ва кўчалардаги турли туман рекламаларнинг ўзига хос ўрни бор. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли ҳам муҳимдир. Унинг имконияти жуда катта. Шунинг

47 Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард максимиздир. Т.: Ўзбекистон 2000 й. Б-25

48 Исломов З. Давлат ва ҳуқуқ умумназарий масалалари. Тошкент. Адолат 2000 й. 39-б.

49 Тожиханов У. Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари. Т.: 1996 й. 153-154 б.

учун ҳам оммавий ахборот воситаларига ҳуқуқий билимларни ёшларга тушунарли ва ишонарли тарзда етказиб беришдек турли вазифа юкланган. Ҳуқуқий ахборотнинг мазмунини таҳлил қилиш ундан кейинги йилларда юз берган сифат силжишларидан далолат беради. Унинг ғоявий-сиёсий даражаси ошди, материаллар хилма-хил ва қизиқарли бўлиб қолди, ҳуқуқий тарғибот анча режали ва мунтазам тус олди. шу билан бир қаторда камчиликлар ҳам бор, яъни ҳуқуқий тарғиботда бирёқламалик, жиноят-ҳуқуқий ва маъмурий меъёрларнинг қўлланилишини тасвирлаш кўпайиб кетганлиги ўринли эмас⁵⁰.

Президентимиз И.А.Каримов “Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир”⁵¹-дея таъкидлаб ўтдилар. Ҳозирги пайтда қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизм сифатида оммавий-ахборот воситаларининг мавқеини ошириш лозим. Оммавий-ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик кадриятлари ва тушунчаларини ҳимоя қилиш одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб боришлари лозим⁵².

Фикримизни хулосалар эканмиз ёшларда ҳуқуқий маданиятни оширишда оиланинг, маҳалланинг, оммавий ахборот воситаларининг, давлат ва нодавлат жамоат ташкилотларининг ўрни беқиёслигини кўрдик. Аммо улар ўзларининг тарбиявий соҳадаги вазифаларига маъсулият билан қарашмаяпти.

50 Тожиҳанов У, Саидов А. ҳуқуқий маданият назарияси. Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 1998 й. 168-б

51 Исом Каримов, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остида". Т.: "Ўзбекистон", 2012 йил, 435-бет.

52 И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон 1999 й. 30-31 б.

2.3 Жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш шароитида жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини янада оширишдаги муаммоли томонлари.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш қайси соҳаларни қамраб олган?-деган савол билан худди шу шароитда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш йўллари ва муаммоларини бирма-бир асосли равишда кўрсатиб ўтишни лозим топдик. Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги 2005 йил 28 январдаги маърузасида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ва келажакда ўз олдимизга қўйган кўплаб устивор вазифа ва йўналишларга алоҳида эътибор қаратиб ўтдилар. Бизнинг узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир. Биз бугун ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш ҳақида гапирар эканмиз, ўз олдимизга қуйидаги устувор вазифа ва йўналишга тўхталиш лозим.

1. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат. Президентимиз ваколатларининг бир қисмини Парламентнинг юқори палатаси-сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, профессионал, доимий асосда ишлайдиган қуйи-қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш; Бош вазир ва умуман, мамлакат ҳукуматининг ролини ва шу билан бирга, масъулиятини кучайтириш; суд ҳокимиятини мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ноҳукумат жамоат тузилмаларини шакллантиришда баъзи масалалар бизни қийнапти, яъни ҳомийлик кўмагида тузилган нодавлат нотижорат ташкилотларини текшириш натижасида, улар рўйхатдан ўтиш чоғида тақдим этган низом ва дастурлари доирасидан анчагина четга чиқиб кетмоқда ва муайян буюртмага асосланган мақсадларни кўзламоқда. Бу борада амалага оширилаётган ишлар ёшларни ҳам четлаб ўтмаяпти. Ёшларни ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш буйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 453-сон қарорида “фуқароларимиз айниқса ёш авлод қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустахкамлаш, уларнинг онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишда, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган амалий тавсиялар тайёрлаш” масаласига алоҳида эътибор қаратиш кўрсатилган. Суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилди. Судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди. Қонунчиликка биноан суд ишларини апелляция ва кассация тарзида қуриб чиқиш институтлари жорий этилди, тергов-суриштирув ва кишиларни ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди, ишларни судларда кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланди. Шунини таъкидлаш лозимки, қонунчиликда одил судловни амалга ошириш шаклларида бири – ярашув институтини жорий этилиши қонунийликни мустахкамлашда ижобий омил бўлди. Яна бир ўта муҳим масала – суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини ошириш ҳақида алоҳида тўхталиш ўринли. Бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини бажаришда йўл қўйиладиган камчиликлар ёшларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди. Президент И.А.Каримов Ўзбекистон

Республикаси Олий мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузасида ушбу муҳим масалага алоҳида урғу бериб, ушбу даврнинг муҳим дастурий вазифалари сифатида “сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдан иборат” эканлигини таъкидлади.

2. Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг муҳим шарт-бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боб, 67 – моддасида оммавий ахборот воситалари қонунга мувофиқ иш юритиши ва улар устидан цензурага йўл қўймаслиги кўрсатиб ўтилган. Бу борадаги асосий вазифа мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлмиш матбуот, телевидения, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборат. Бу борада аввало, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш керак. Бу уларининг мустақил фаолият юритиши ва ривожланиши учун омил бўлиши лозим. Биз матбуот ва ахборот эркинлигининг кафолатини бозор муносабатлари, ахборот майдонида соғлом рақобат тамойилларининг ривожланишида кўрамиз. Бугунги кунда давлат телевиденияси негизида жамоатчилик телевиденияси каналини босқичма-босқич шакллантириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Замонавий ахборот технологияларни жорий этишни жадаллаштириш зарур.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда оммавий ахборот воситалари таъсир механизми вазифасини бажаради. Яъни янги тахрирдаги

қонунлар тўғрисидаги маълумотларни халққа етказиб беришда ҳам матбуотни роли ошмоқда. Ёшларимизда ҳуқуқий маданиятни янада ошириш шароитида юксак савияли телекўрсатувлар, мақолалар, репортажлар олиб бориш амалга оширилаяпти, лекин бу борада амалга оширилаётган ишлар мақтанишдан бошқа нарса эмас. Энг катта муаммо бу танқидий рухдаги кўрсатувлар жуда кам кўрсатилаётганидир. Бу борада тижорат ва ҳудудий нодавлат телерадиостудияларининг фаолиятини юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат.

3. Навбатдаги ўта муҳим масала – ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларини ташкил этади. Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори юксалиб бораётгани энг аввало:

– Юртимизда демократик ва бозор иқтисодиёти ислохотларини амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган ижобий ўзгаришларда, уларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида мужассам бўлади;

– Бу-давлатимизнинг жаҳон аҳлига яхши маълум бўлган, минтақамизда барқарорлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган амалий самарасида ўз ифодасини топомқда;

– Ва ниҳоят, бу-мамлакатимизнинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсатининг натижаси сифатида намоён бўлмоқда. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор ҳавфсизлик ҳудудига айлантиришни ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Минтақамизда мавжуд аҳволни баҳолаб эканмиз, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш борасида давом этаётган ижобий жараёнлар билан бир қаторда, минтақада стратегик мавҳумлик сақланиб қолмоқда. Жумладан халқаро терроризм, экстремизм, наркоагрессия ва минтақавий ҳавфсизликка нисбатан бошқа трансмиллий таҳдидлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Бу борада “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисидаги 805-сонли Президент қарорини мисол келтириш мумкин. Яъни ёш авлодни

хаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шаклантириш, ОИТС, гиёхвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чоратadbирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунили ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт – шароитлар яратишдан иборатдир.

Ташқи сиёсатимизнинг муҳим устувор вазифаси ҳақида сўз кетганда, аввало Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларини чет элда ҳам ҳуқуқий ҳимоя қилиши Бош Қомусимиз – Конституцияда ҳам курсатиб ўтилган. Мамлакатнинг олдида турган мақсадни таъкидлар экан, И.А.Каримов шундай дейди: “Миллий давлат қурилиши соҳасидаги миллатлараро алоқаларни яхшилаш, граждaнларнинг қайси миллат вакили эканлигидан, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш биринчи даражали аҳамият касб этади”⁵³. Ҳозирги кунда чет элларда ишга бориб ишлаб юрган фуқароларимизнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Уларни чет элларда ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида ҳукуматимиз томонидан муайяан ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилмоқда ва амалга киритилмоқда, лекин очиқ ҳақиқатни айтиш керакки, чет элларда ишга бориб алданиб юрганлар қанчани ташкил этмайди. Бу борада ёшларимизни чет элда ҳуқуқий, керак бўлса моддий таъминлаб уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида бир қанча камчиликлар мавжуд.

Бугунги кунда ҳалқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолмоқда дейдилар: - И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида” деб номланган асарида.

53 Исом Каримов, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остида”. Т.: “Ўзбекистон”, 2012 йил, 151-бет.

Навбатдаги устувор вазифалардан бири бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат. Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолини муносиб турмуш шароитини яратиш бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда. Ишлаб чиқаришнинг жадал модернизация қилиниши, замонавий қувватларнинг ишга туширилиши истеъмол бозорини сифатли ва рақобатга бардошли маҳсулотлар билан тўлдириш имконини бермоқда. Бу борада ҳали ечилмаган жуда кўп муаммолар бор. Яъни, эски маъмурий – тақсимот тизими қолипларидан бутунлай воз кечиш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувиини чеклаш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий қафолатларни таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш, тўла қонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этишимиз зарур. “Иқтисодиёт ва экология, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда мавжуд бўлган кўпгина зиддиятлар – мансабдор шахслар, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги жуда паст даражада эканлиги оқибатидир”⁵⁴-дея таъкидлайди Президент И.А.Каримов.

Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёшларимизда нафақат ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва муаммоларни ҳал этиш, балки иқтисодий маданиятини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Баркамол ёшлар иқтисодий маданиятини шакллантиришда оддий иқтисодиёт эмас, балки юқори технологияга, интеллектуал салоҳиятга асосланган маданий иқтисодиёт истиқболнинг стратегик йўналишидир. Иқтисодий маънавият омилининг жамият тараққиётидаги ўрни ва роли фақат баркамол ёшларни тарбиялашга ўз хиссасини қўшиш билан чекланмайди, балки бу жараён мамлакатда иқтисодий хафсизликни таъминлашга ҳам хизмат қилади. Яъни ёшларимиз иқтисодий маданиятли бўлса, оддий

54 Исом Каримов, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида". Т.: "Ўзбекистон", 2012 йил, 94-бет.

харидда, ишлаб чиқариш корхоналарида ишлашда ўз салохиятини кўрсатади. Мухум устувор вазифалардан бири молия тузумларидаги ислохатларни чуқурлаштириш. Бу молия ва банк тузумларининг қатъий пул кредит сиёсатини ўтказиш, инфляция даражасини бақорорлиги, миллий валютамиз ва унинг алмашув курси мустақамлигини сақлашдаги масъулиятини ошириш, банкларни капиталлаштириш, уларнинг низом ва айланма фондларини кўпайтириш ва маблағларини инвестиция мақсадларига биринчи навбатда, реал иқтисодиётга йўналтиришга қаратилган аниқ чора – тадбирлар кўриш ҳақида бормоқда. Юксак ривожланган мамлакатлардаги тижорат ва хусусий банкларнинг миждозларга хизмат кўрсатиш борасидаги тажрибаларини синчиклаб, янада кенг ўрганиш, хўжалик субъектлари ва аҳолининг банкларга нисбатан ишончини оширишга эришиш керак.

Навбатдаги устувор вазифа уй-жой коммунал хўжалигини ислох қилишга ниҳоятда эътибор қаратишдан иборат. Коммунал хизматлар, айниқса, иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув истеъмолини ҳисобга оладиган асбоб-ускуналарини етарли даражада эмаслиги ҳамон жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Бу эса ана шу ресурсларнинг кўплаб исроф бўлишига, таърифларнинг асоссиз ўсишига, аҳоли қарздарлигининг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Принциплар мухум устувор вазифалардан бири – солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдар. Шунга эришмоғимиз керак, хар бир солиқ тўловчи, у жисмоний ёки юридик шахс бўлсин солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, дароматларини яширишга уринмасдан, аксинча ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва дароматларини оширишга интилсин.

Х У Л О С А

Республикаимиз бугунги кунда эркин фуқаролик, демократик жамиятини барпо этар экан, бунда фуқароларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданият масаласи бош ўринлардан бирини эгалламоқда. “Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир”-деб кўрсатилади жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурида.

Жамиятнинг бугунги кун шароитида келажагимиз ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳуқуқий онгини ўстириш муаммолари давлат ишидаги муаммо бўлгани учун ҳам, уни барча ижтимоий институтлар тузумининг ўзаро ҳамкорлиги билангина ҳал этиш мумкин. Бу муоммони ҳал этишда асосий ўзак-таълим муассасалари бўлсада, жамоат ташкилотлари, оила, маҳалла, ҳуқуқий тарғибот органлари ёрдамчи субъектлар ҳисобланади, ахлоқий ва ҳуқуқий тарбияда ўз аксини топади. Бу субъектларнинг фаолиятига бевосита ёрдам берувчилар фуқароларнинг ўзлари ҳисобланади. Чунки уларнинг ҳуқуқий билимлари қай даражада эгаллашлари, олган билимларини ҳаммага тадбиқ этишлари бевосита ўзларига боғлиқдир. Жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш шароитида ёшларни ҳуқуқий маданиятини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиб қуйидаги таклиф ва хулосаларга келинди; умуминсоний қадириятларга асосланган ҳуқуқ мафкурасини шакллантириш ҳуқуқ мавжудлиги унинг урф одатлар, маънавий – маъданий қадириятлар негизидалигидир.

Ҳусусан бугунги кунда, яъни буюк келажакнинг пойдевари кўринаётган бир пайтда ёшларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини ўстириш уларнинг ҳуқуқий маданиятини бойитиш асосий вазифалардан бирига айланди. Бу билимларнинг самара бериши эса уларни ҳаётга қанчалик тўғри

тадбиқ эта билишга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мустақил Ўзбекистонда ёшларни тутган ўрнини алохида таъкидлаб ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиши ўзларига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак”-деган эдилар: Республикамизда демократик фуқаролик жамияти ўзига хос ва ўзига мос истиқлол йўли жамият ҳаётининг барча соҳаларини ўзаро мутаносибликда, уйғун ва тадрижий асосларда узлуксиз ривожлантиришни тақазо этади. Бу тизимда фуқароларнинг, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ёшлар ҳуқуқий маданият муаммоси улкан ижтимоий, сиёсий аҳамиятга эгадир. Айниқса, фуқароларимиз ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бу борада ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Олдимизга қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги муаммоларни ҳал этиш зарур деб ҳисоблаймиз;

- Биз барпо этмоқчи бўлган демократик жамиятимизда маънавий янгилашни, демократик ўзгаришлар шароитида фуқароларда, айниқса ёшларда юқори ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш ҳуқуқий онгнинг зарурлигини очиб бериш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг қабул қилиниши ҳам бу масалани қай даражада долзарб эканлигини кўрсатади;

- Демократик жамиятнинг асосларидан бири ҳуқуқий маданият тушунчасининг моҳиятини ва ўзига хос томонларини аниқлаш;

- умуминсониятнинг ҳуқуқий маданиятга ёндашишнинг ўзига хослигини аниқлаш ва унда тинчлик маданиятининг тутган ўрнини кўрсатиш;

- фуқароларда ҳуқуқий маданиятнинг ахлоқий ва сиёсий маданият билан боғлиқлигини назарий жиҳатдан асослаб бериш;

- ҳуқуқий тарбияга комплекс ёндошишнинг моҳиятини кўриб чиқиш, унинг ўзига хос томонларини аниқлаш; ҳуқуқий маданиятга солишнинг жамиятни ҳуқуқий маданиятини шакллантириш соҳасига мақбул келувчи ва Ўзбекистоннинг ҳозирги даври шароитларига жавоб берувчи, бу муносабатларни ривожлантиришга қаратилган аниқ амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

- демократик жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг ҳуқуқий саводхонликни оширишнинг шакллари ва тизимини тадқиқ этиш;

- жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг амалий ва услубий тавсияларини ишлаб чиқиш.

- ҳуқуқий онгли маданияти юксак ахлоқли шахсни унча-мунча нарса, ғоялар, ваъдалар ёки ҳақозолар билан алдаб ўз йўлига солиб бўлмайди. Бунга албатта ҳуқуқий онг, билимнинг натижаси албатта;

- ёшларнинг ҳуқуқий онги ҳуқуқий маданияти паст даражада эканлиги ва бунинг сабаблари ўрганилар экан, асосий сабалардан бири уларнинг ўз ҳуқуқларини етарли даражада билмаслиги ва билишга ҳаракат ҳам қилмайдиган ёшларимизнинг учрашидир.

Ёшларда ҳуқуқий маданиятни янада оширишга салбий таъсир этувчи омиллардан бири жамиятда қонунлар ижроси ва назорати етарли даражада эмаслиги ёшларни ҳуқуқий негизининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда; айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, мансабдор шахслар томонидан бўлаётган ҳуқуқбузарликлар, қонунларни четлаб ўтишлар; оилада носоғлом вазиятларнинг вужудга келиши; ёшларда бўш вақтлар учун қулай шарт-шароитлар етарли даражада яратилиб берилмаётганлигидир. Жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш шароитида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш муаммоларидан бири сифатида оила ва жамоатчиликни ўрни таҳлил қилинди ва бу борада оилада ҳуқуқ ва ҳуқуқбузарликка бўлган муносабат ёшларнинг худди шу муносабатини ҳам ҳисобга олиш даркор.

Фуқороларда ҳуқуқий маданиятни оширишда қўйилаётган муаммолар сирасига оммавий ахборот воситаларини бу борада олиб бораётган ишларида ҳуқуқий ахборотлар, тарғибот ва ташвиқот зерикарли, бир томонлама ёки фақат фактлари билан чегараланиб қолганида кўришимиз мумкин. Ёшлардаги ҳуқуқий маданиятни ошириш муаммоси билан биргаликда, уларни касб-ҳунар танлашда ахборот тақчиллиги, мактаб битирувчилари касб-ҳунар танлашда педагоглар, психологлар ва ота-оналар ёрдамига муҳтож. “Моддий ва маданий неъматларнинг ҳаммаси биргаликда уйғунлашган чоғидагина, ҳақиқий бахт саодатга эришиш мумкин” – деган эди Фаробий. Дарҳақиқат, айтиш керакки буни олдини олиш аввалам бор ўзимизнинг қўлимиздадир. Ёшларнинг ўз қизиқишлари бўйича йўналтириб имконият яратиб бериш зарурдир. Холбуки нихолга канчалик этибор берсак шунчалик униб-ўсади. Шундай экан ёшларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий жихатдан тарбияланиши ҳар биримизнинг зиммамиздаги вазифадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари:

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлидан. Т.: “Ўзбекистон”. 1992.-254 б
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: ”Ўзбекистон”. 1992. –17 б
3. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т.: . 1992. 36-б
4. Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. -Т.: 1993.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: ”Ўзбекистон”. 1993. 150-б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўгишнинг ўзига хос йўли. Т.: Ўзбекистон, 1994. 50-55-59-64-79-бетлар.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995. 27-бет.
8. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т.; Ўзбекистон, 1995. 10-11-34-35-б
9. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995.
10. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: ”Ўзбекистон”. 1996.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.: .1997
12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари . Т.: ”Ўзбекистон”. 1997.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.-Т: 1999. 31-б
14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: 1999. 30-31 б.

15. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000. 25-32-б
16. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т.: “Ўзбекистон”. 2005. 60-61-б
17. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: 2005. 51-56 б
18. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: ”Маънавият” 2008.
19. Каримов И.А. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида". Т.: "Ўзбекистон", 2012. 94-151-214-216-293-252-404-435-бетлар

Қонунчилик ва Норматив ҳужжатлар:

1. Каримов И.А. Халқимизнинг оташқалб фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 75-йиллигига бағишланган йиғилишда сўзланган нутқ. Тошкент, 1992.
2. Каримов И.А. БМТнинг Бош Ассамблеяси 48-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқи. Т.; Ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ. Т., 1994.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. 1997. № 5-7-9

5. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги қонуни". Т., "Шарқ", 1997.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури". Т., "Шарқ", 1997.
7. Ўзбекистон Республикасининг "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури". Т., "Шарқ", 1997.
8. Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. Т., 1999. № 5
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш тўғрисида" 2006 йил 25 август, 451-сонли қарор.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2007 йил 18 майдаги қарори.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2007 йил 8 декабр.
12. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза. Т.: "Ўзбекистон". 2007.
13. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: "Ўзбекистон". 2008

Илмий ва махсус адабиётлар:

1. Ирисов А. Ибн Синонинг фалсафий рисоалари. Т.: Ўзбекистон. 1963. 20-б
2. Орзих М.Ф. Личность и право. М.: Юрид. 1975. с-101.
3. Орифжонов Э.К. Туркистон шўролар даврида. Ушалмаган орзулар. Т., 1994. 40-6;
4. Ўзбегим. Тошкент, 1992. 41-89-110-135 бетлар.
5. Ирмухамедов Б.А., Хасанов Б.В. Происхождение и формирование узбекского народа. Т., 1992. с-19.
6. Қличев Ф. Замон ва макон таҳлили. Т: 1992.
7. Аҳмедов Б, Аминов А. Амир Темур ўғитлари. Т: “Наврўз” 1992.
8. Исмоилов З. Давлат ва ҳуқуқнинг умумий назарий муоммолари ҳуқуқни тушуниш ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий ижодкорлиги. Т.: 1992. 36-б
9. Агзамходжаев А.А. Правовые основы государственной независимости республики Узбекистан. Т., 1993. с. 3-4.
10. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т: “Мерос”. 1993. 182-б
11. Правовое государство-независимость, нация, экономика, идеология, политика. Том 1. Т, Адолат, 1994, с. 53-60. 68-93. 135-154.
12. Ўразаев Ш. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. Т.1 Адолат, 1995. 42-6.
13. Тожионов У. Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари. Т: “Ўзбекистон”. 1996. 153-154 б
14. Халилов.Э.Х. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. Т: 1997

15. Саидов А. Ҳуқуқий демократик ислоҳотлар. Т: Ўзбекистон, 1997. 192-б
16. Саидов А., Султонов С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. Т: Адолат. 1998. 178-б
17. Саидов А, Тожихонов У. Ҳуқуқий маданият назарияси. Дарслик. Т 3.2 . Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 1998. 33-168-б
18. Исломов З. Общество Государство Право Т. Адолат 1998. с. 24-28
19. Давлат ва ҳуқуқ асосларидан умумий ўрта таълим ўқув дастури. Таълим тараққиёти. 1999. 2-сон, 264-301 бетлар
20. Абзалов Э. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муоммолари. Т.: 2000.
21. Каримова О.. Ҳуқуқий тарбия методикаси. Т: ТДПУ. 2000.
22. Исломов З, Хусанов О, Мирҳамидов И. Ҳуқуқшунослик. Маърузалар матни. Т.: 2000. 47-б.
23. Исломов З. Давлат ва ҳуқуқ умумназарий масалалари. Т: 2000. 39-б
24. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти. Т.: 2001.
25. Ўзбекистон Республикасининг "Конституцияни ўрганиш методикаси" фанидан ўқув услубий қўлланма. Т.: "Ўқитувчи", 2003.
26. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик Т."Янги аср авлоди" 2003.
27. Ўзбекистон миллий энкциклопадияси. 2005. 11-қисм.
28. Мадалиева З. Ҳуқуқий маданият ва ёшлар. Т. "Академия". 2008.

Журнал ва газета мақолалари.

1. Ислоҳотимиз тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Российская газета" мухбири Вахтанг Шелия билан суҳбати// Халқ сўзи, 1995 йил, 12июль.
2. Шарифхўжаев М. Тараққиёт дастури.-Ўзбекистон овози, 1995 й, 13 июль.
3. Тожихонов У. Давлат хизмати тўғрисида қонунлар мажмуи даркор// Халқ сўзи, 1995 йил 23 август.
4. Турдибоев Р. Ҳуқуқий маданият ва ёшлар. // Ҳаёт ва қонун.-1998, № 11, 64-68-б
5. Шарипов А. Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти.// Ҳуқуқ-право-Law. 1998. № 4. 85-86-б
6. Муминов А. Боқий кадрятлар: Сиёсий ва ҳуқуқий маданият.// Жамият ва бошқарув. -1998. № 1. 21-22-б
7. Мирсафоев С. Ҳуқуқий онг ва маданият миллий мафқуранинг таркибий қисмидир.// Халқ сўзи. – 1998. 27 август.
8. “Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатлардаги фаолияти тўғрисида” Тошкент декларацияси. Халқ сўзи. 1998 йил ноябр.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили давлат дастури тўғрисида”ги 805-сонли қарори. 2008 йил 29 феврал 8.А.Каримов. ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг сессиясининг 155-яқунловчи мажлисида сўзлаган нутқи. Халқ сўз. 1998 йил 7 ноябр
10. Ҳолмўнимов К. Ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш.// Ҳаёт ва қонун. 1998. № 4. 20-23-б

11. Қиличев Ф. Ҳуқуқий онг ва маданият умуммафкурамизнинг ажралмас қисми.// Ҳаёт ва қонун. -1999 йил, №11-12, 2-10-б
12. Турдибоева Р. Ёшларда ҳуқуқий, сиёсий ва ахлоқий маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги.// Қонун ҳимоясида. 2000. № 1
13. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни шакллантиришнинг асосий йўналишлари// Ўзбекистон овози. 2002 йил 31 август
14. Қуронов М. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш: тарғибот – тарбия – тажриба.// Фуқаролик жамияти. 2007 йил.
15. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини катият билан давом эттиришдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза.//Халқ сўзи.2007 й. 8 декабр
16. Каримов И.А. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилдаги мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йил иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидан маърузаси.// Халқ сўзи 2008 й. 8 феврал

Интернет сайтлари

Uzbekistan development gateway // www.uzbekgateway.uz;

// www.readiness-guede.org.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-7
1-БОБ. ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСИЙ.	
1.1. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг назарияси ва ривожланиши ҳуқуқий маданиятнинг илмий-назарий асослари.....	8-24
1.2. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятнинг асосий тамойиллари.....	25-38
1.3. Ахлоқий ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг узвий боғлиқлиги.....	39-47
2-БОБ. МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ.	
2.1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури давлат ҳуқуқий сиёсатининг асосидир.....	48-59
2.2. Ёшларда ҳуқуқий маданиятни янада оширишда оила ва жамоатчиликнинг роли.....	60-68
2.3. Жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш шароитида жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини янада оширишдаги муаммоли томонлари.....	69-75
ХУЛОСА.....	76-79
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	80-86